




# ҚОНУНЧИЛИК МУАММОЛАРИ АХБОРОТНОМАСИ

**3-сон**  
2021 йил

**БЮЛЛЕТЕНЬ**  
ПРОБЛЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

**BULLETIN**  
OF LEGISLATIVE PROBLEMS



**НАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**  
**2017-2021**

Давлат ва жамият қурилиши  
tizimini такомиллаштириш



Қонун устуворлигини  
таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизimini  
янада ислоҳ қилиш



Иқтисодий ривожлантириш ва  
либераллаштириш



Ижтимоий соҳани ривожлантириш



Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний  
бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган,  
ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат



Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умум эътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсидан*

Мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ва жадал демократик ислохотлар бугунги кунда ортга қайтмас тус олди. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш демократик ислохотларимизнинг асосини ташкил этмоқда. Сўз ва оммавий ахборот воситалари, дин ва виждон эркинлигини, гендер тенгликни, миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида қатъий қадамлар ташланмоқда.

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги сўзлаган нутқидан*

Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрлайман

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 30 июнь кунини бўлиб ўтган “Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форуми”даги нутқидан*

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаёти-мизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улғу мақсадлар сари руҳлантирмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда. Айнан мана шу жараён мен учун ислохотларимизнинг энг катта натижасидир. Чунки, мақсаднинг аниқлиги – ҳаракатлар самарасини таъминлайдиган энг муҳим мезондир.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсидан*

## ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ – БИЗ УЧУН КУЧ-ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ



### *Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи*

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!  
Муҳтарам меҳмонлар!  
Хонимлар ва жаноблар!

Бугун юртимизда улуғ байрам, катта тантана. Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи жонажон Ватанимиз истиқлолининг шонли ўттиз йиллик тўйини зўр шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

“Янги Ўзбекистон” деб ном олган мана шу муаззам боғда биз бугун биринчи марта Мустақиллик байрамини ўтказмоқдамиз.

Шу муносабат билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг самимий ва энг эзгу тилаklarимни билдираман.

Азиз дўстлар!

Барчамизга аёнки, эл-юртимиз асрлар давомида озод ва эркин ҳаётни, адолатли жамиятни орзу қилиб яшади. Бу муқаддас мақсад йўлида

жон олиб, жон бериб курашди, машаққатли синовларни мардона енгиб ўтди.

**Халқимиз қалбидаги ҳуррият сари эзгу интилишни ҳеч қандай босқин, зулм ва зўравонликлар йўқота олмади. Бунга кўҳна тарихимизнинг ўзи гувоҳ.**

**1991 йил 31 август куни мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк тарихий воқеа юз берди. Неча юз йиллар давомида келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳамиша сабрматонат билан яшаган халқимиз улуғ орзусига эришди – ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритди.**

Бугунги қутлуғайёмда барчамиз, бутун халқимиз Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида давлатимизни бошқарган Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов

номини, у кишининг бевосита раҳбарлигида, халқимизнинг матонати ва жасорати билан амалга оширилган улкан ишларни эсга олишимиз табиийдир.

Истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида муҳим ишлар бажарилди. Қисқа муддатда мамлакатимиз Конституцияси ишлаб чиқилди. Замонавий давлатчилик асослари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шаклланди.

Мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитетини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар барпо этилди.

Миллий валютамиз – сўм жорий қилинди, олтин-валюта захираларимиз шакллантирилди. Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзлигимиз тикланди.

Мухтасар айтганда, кўпни кўрган халқимиз ўзининг мустақкам иродаси ва матонати, беқиёс салоҳиятини намоеён этиб, тарихан қисқа фурсат ичида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ватанамиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Мана шундай буюк тарихий жараёнларда фаол иштирок этиш насиб қилганидан кўпчилик ватандошларим қатори мен ҳам бахтиёрман.

Ҳурматли тантана қатнашчилари!

Биз бугун халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Шу мақсадда аввало бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни мустақкамлашга энг муҳим вазифа сифатида устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Бугун дунёда ва минтақамизда, чегараларимизда кескинлик, турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда бу масаланинг қандай беқиёс аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Давлат ва жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини мустақкамлаш, мамлакатни модернизация қилиш, бу жараёнда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли демократик ислохотлар жадал амалга оширилмоқда. Демократиянинг асосий талаби бўлган инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, сўз ва виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда Инсон ҳуқуқлари бўйича

Миллий стратегия қабул қилинди. Кўп йиллардан буён жиддий муаммо бўлиб келган мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролик масаласи бўйича чақириғига жавобан 2020 йилнинг ўзида 50 мингдан ортиқ юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Маълумки, мустақил ва кучли суд ҳокимияти инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийликни қарор топтиришнинг асосий шартидир. Бу йўналишдаги устувор вазифаларга доир 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда улар асосида жиддий амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ана шундай хайрли ишларимизнинг манتيқий давоми сифатида мен куни кеча Мустақиллик байрами муносабати билан яна бир муҳим фармонга имзо чекдим. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 215 нафар шахс афв этилиб, ўз оиласи ва яқинлари бағрига қайтиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси тарихда илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолиғига сайланди. Бу эса ушбу йўналишдаги ислохотларимиз халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганининг яққол тасдиғидир.

Муҳтарам юртдошлар!

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўтган беш йиллик вақт барчамиз, бутун мамлакатимиз, халқимиз учун кескин синовлар даври бўлди. Айниқса, 2020 йили бошланган коронавирус пандемияси ва шу сабабли келиб чиққан иқтисодий инқироз глобал дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммоларни юзага келтирди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хулосасига кўра, пандемия Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё миқёсида юз берган энг улкан синовдир.

Ёдингизда бўлса, биз пандемия бошланган илк кунларда бу қийинчиликлардан янада тобланиб, кучли ва қудратли бўлиб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Яратганининг инояти, эл-юртимизнинг аҳиллиги ва фидокорона меҳнати билан бу машаққатли синовларни мардона енгиб ўтмоқдамиз.

Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг кўламли ислохотлар юртимизда янги даврни – янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди.

Бугун юртимизда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий,

илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Халқаро валюта жамғармаси ва нуфузли рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, ҳозирги қийин ва мураккаб шароитда Ўзбекистон жаҳоннинг санокли мамлакатлари қаторида молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини тиклаш ва иқтисодий фаолликни оширишга эришиб келмоқда.

Мана, яқинда Америка Қўшма Штатларининг “J.P.Morgan” инвестиция банки томонидан эълон қилинган “Ўзбекистон: юксалиш йўли” номли таҳлилий ҳисоботда ҳам айтилиши фикрлар баён этилган.

Шу ўринда иқтисодиётимиздаги таркибий ислохотлар ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтишни зарур, деб биламан.

2017-2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси 18,3 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот 60 миллиард долларга етди. Бу ҳақда гапирганда, ташқи савдо айланмаси 2016 йилдаги 24 миллиард доллардан 2020 йилда 36 миллиард долларга кўпайганини таъкидлаш лозим. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 369 триллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 23,4 фоизга ўсди. Натижада саноат маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,5 фоиздан 27,4 фоизга кўтарилди.

Иқтисодий соҳани, жумладан, божхона тартибларини либераллаштириш туфайли 2020 йилда экспорт ҳажми 15,1 миллиард долларни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 25 фоизга ўсди.

Ислохотларимиз самарасининг турли халқаро рейтингларда тан олинishi мамлакатимиз учун халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятини яратди. Жумладан, жорий йилда 635 миллион долларлик ва 2,5 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари, Ипотека банкининг 785 миллиард сўмлик ва “Ўзавтомоторс” акциядорлик жамиятининг 300 миллион долларлик корпоратив облигациялари чет эл инвесторларига сотилди.

Сармоядорларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига бўлган ишончини кескин оширишга муваффақ бўлди. Инвестицияларнинг умумий ҳажми қисқа муддатда 2,1 мартага, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробарга яқин ўсгани ҳам бунинг исботидир.

Ўтган уч йил мобайнида солиқ соҳасида янги тизим жорий этилди. Солиқлар сони сезиларли даражада камайтирилди, айланма маб-

лафдан олинадиган солиқлар бекор қилинди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилиб, ушбу солиқ занжирининг яхлит тизими яратилди.

2017-2020 йилларда банкларимиз капитални 5,7 баробар ёки 5 миллиард долларгача оширишга эришдик.

Электроэнергетика, нефть-газ, коммунал соҳаларда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида давлат бошқаруви ва хўжалик функциялари бир-биридан ажратилди, рақобат муҳитини яратиш учун муҳим қадамлар ташланди.

Айни пайтда янги-янги инфратузилма тармоқлари барпо этилди. Минглаб километр узунликдаги янги йўллар, электр ва газ тармоқлари қурилди ва таъмирланди.

Жамоат транспорти изчил ривожланмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ҳамда қарийб 12 километрлик ер усти метро линияси фойдаланишга топширилди.

“Сергели” йўналиши бўйича 6,2 километрлик қурилиш ишлари якунланди.

Айни пайтда Ўзбекистонда кўплаб йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шулар қаторида яқинда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишига тамал тоши қўйилганидан барчангиз хабардорсиз.

Куни кеча Навоий вилоятининг Кармана туманида 110 миллион доллар инвестиция ҳисобидан ишга туширилган қуёш электр станцияси Ўзбекистон энергетика тизимида биринчи улкан қадам бўлди.

Айни пайтда “Навоийазот” акциядорлик жамиятида иккита янги завод – азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Умумий қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳалар эвазига “Навоийазот” да маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробарга ошади.

Бундай муҳим воқеалар миллий саноатимиз тарихида янги давр бошланаётганидан далолат беради.

Юртимизда кичик ва хусусий бизнес субъектлари икки баробар кўпайиб, соҳада 1 миллион 400 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу корхоналарнинг ярмидан кўпроғи кейинги уч йилда ташкил этилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш мақсадида 16 та қонун, 100 дан зиёд қарор қабул қилинди. Ўтган бир йил давомида ли-

цензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди ҳамда уларни бериш муддатлари қисқартирилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча текширувлар учун мораторий эълон қилинди.

Шунингдек, ўзини ўзи иш билан банд қилган аҳоли учун қулай шароит яратиш натижасида бир йилда 500 минг нафар фуқаро рўйхатдан ўтиб, фаолиятини қонуний асосда йўлга қўйди.

Тадбиркорлик соҳасидаги мана шундай ёндашув натижасида Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” халқаро рейтингда Ўзбекистон беш йил ичида 141-ўриндан 69-ўринга кўтарилди. Албатта, бу жиддий кўрсаткич, аммо у ҳали бизни қониқтирмайди. Шунинг учун биз ушбу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Хабарингиз бор, яқинда тадбиркорлар билан янги форматдаги учрашув ўтказдик. Унда мамлакатимиз бўйича 10 мингдан зиёд ишбилармонлар қатнашди. Очиқ мулоқотга тайёргарлик доирасида 15 мингдан ортиқ таклиф ва ташаббуслар атрофлича ўрганилиб, тадбиркорлар кўтарган масалалар бўйича амалий чоралар белгиланди.

Биз миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Нега деганда, тадбиркор – иқтисодиётнинг, ислохотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир.

Мана шу ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Бугунги кунда замонавий иқтисодиётнинг энг истиқболли соҳаси бўлган ахборот-коммуникация технологиялари мамлакатимизда кенг жорий этилмоқда. Шу мақсадда ўнлаб IT-парклар, кичик саноат зоналари, соҳа учун мутахассислар тайёрлайдиган ўқув масканлари, иқтидорли компьютер дастурчилари учун махсус лойиҳалар ташкил этилмоқда.

Аҳолимизнинг катта қисми яшайдиган қишлоқ жойларини ривожлантириш ва обод қилиш, аграр соҳанинг самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Биз қишлоқ хўжалигида нархлар шаклланишига давлат аралашувини бекор қилдик, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси тугатилди. 122 та пахта-тўқимачилик кластери фаолияти йўлга қўйилиб, юқори ҳосил олишга эришилди. Қишлоқ хўжалигини молиялаш тизими қайта кўриб чиқилмоқда.

Биз ҳудудларни тармоқлар билан бирга комплекс ривожлантириш бўйича янги тизимни жорий этдик. Бунинг натижасида ҳудудларнинг молиявий имкониятлари кенгайиб, 2021 йилнинг ўзида маҳаллий дастурлар учун қўшимча 3 триллион сўм маблағ шакллантириш имконияти пайдо бўлди.

Бугун ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон учун глобал инқирознинг оғир дамлари ортда қолмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш суръатини аҳолининг реал ялпи даромади 2016 йилга нисбатан 28 фоизга ўсганида ҳам кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи 2,7 миллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 2,1 баробарга оширилди.

Мана, яқинда қабул қилинган Фармонга биноан, мамлакатимизда 1 сентябрдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар миқдорини яна оширдик.

Биз бундан буён ҳам аҳолимизнинг даромади ва турмуш даражасини мунтазам яхшилаб боришга жиддий аҳамият қаратамиз.

Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос янги тизими яратилганидан барчангиз яхши хабардорсиз. “Темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “меҳр дафтари”, “маҳаллабай” ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилмоқда.

Ислохотлар доирасида қабул қилинган йирик дастурлар жамиятимизда ижтимоий муҳитни яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини оладиган бўлсак, жорий йилнинг ўзида жами 8 мингга яқин қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани, ўйлайманки, кўп нарсдан далолат беради.

Бу ишларнинг барчаси **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик”** деган эзгу даъват асосида амалга оширилмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб келмоқда. 2017-2020 йиллар давомида 140 мингдан зиёд арзон ва сифатли уй-жойлар бунёд этилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан қарийб 11 баробар ошди. Республикаимизда ипотека тизими изчил ривожланмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, юртимизда илгари ҳеч қачон бундай катта кўламдаги қурилиш ишлари амалга оширилмаган.

Оғир турмуш шароитида яшаётган оилалар-

нинг уй-жой бўйича бошланғич бадаллари давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилмоқда. Бу йўналишдаги ишларимиз давом эттирилади, шу йилнинг ўзида яна 50 мингга яқин оила уй-жой билан таъминланади.

Қадрли дўстлар!

Давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашда соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳалари ҳал қилувчи ўрин тутишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугунги кунда юртимизда тиббиёт соҳаси, унинг фаолият мазмуни тубдан ўзгармоқда, десак, янглишмаган бўламиз. Аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги, соғлом турмуш тарзи янги босқичга кўтарилди. Кўп тармоқли поликлиника ва касалхоналарнинг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Тез тиббий ёрдам тизими замон талаблари асосида қайта ташкил этилиб, молиявий таъминоти кучайтирилди.

2016 йилда мавжуд бўлган 800 та “Тез ёрдам” шохобчасининг сони бугунга келиб 1 минг 666 тага етказилди. Тез тиббий ёрдам бригадалари сони эса 1 минг 648 тадан 2 минг 685 тага кўпайтирилди.

Маълумки, илгари кўплаб юртдошларимиз мураккаб тиббий операцияларни ўтказиш учун чет элларга боришга мажбур эди. Кейинги йилларда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид ислохотлар натижасида бундай амалиётлар энди ўзимизда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Республикамиз аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатаётган марказлар сони 2016 йилда 10 тани, уларнинг ҳудудий филиаллари эса атиги 2 тани ташкил этарди. Бугунги кунда бундай марказларнинг сони 20 тага етказилди, жойларда эса 124 та филиал фаолияти йўлга қўйилди. Бу ишни давом эттириб, жорий йилда яна қўшимча 48 та ҳудудий филиал ташкил этилади.

Ҳаммангиз кўриб турибсиз, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни ўз вақтида бошлаб, тўғри йўл танлаганимиз учун кутилмаган пандемия қаршисида саросимага тушиб қолмадик. Халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш мақсадида зудлик билан барча тадбирларни ишлаб чиқдик. Жумладан, коронавирусга қарши курашиш учун махсус тиббий марказлар ташкил этилди. Дори-дармон ва химоя воситаларининг захираси шакллантирилди.

Ҳудудларда ишга туширилган 60 та кисло-

род станцияси тегишли шифохоналарни килород билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда вакцина ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошланди.

2021 йил учун давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилиб, аҳоли соғлиғини сақлаш ва коронавирусга қарши эмлаш чораларини кўряпмиз.

Халқимизни тезкор ва самарадор, сифатли тиббий ёрдам билан таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилади.

Азиз ватандошлар!

Атоқли маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: **“Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”**, деган ҳикматли сўзларини мен қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман.

Кейинги йилларда масалага мана шундай ёндашув бизнинг ушбу соҳадаги фаолиятимиз мезонига айланди. Чиндан ҳам, агар биз таълимни ўзгартирсак, таълим инсонни ўзгартиради. Инсон ўзгарса – бутун жамиятимиз ўзгарди.

Шу боис биз узлуксиз таълимни такомиллаштириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Таълим-тарбиянинг бошланғич бўғини бўлган мактабгача таълим тизимидаги ўзгаришлардан ҳаммангиз яхши хабардорсиз. Соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик.

2017 йили юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият юритган бўлса, жорий йилда бу рақам – тасаввур қилинг – 19 минг 316 тага етди. Давлат-хусусий шериклик механизмлари ҳамда оилавий боғчаларнинг жорий этилиши, бир қатор имтиёзлар берилиши туфайли 13 мингдан зиёд нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ислохотлар натижасида биз мактабгача таълимга қамров даражасини 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етказишга эришдик.

Янги турдаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Биргина 2020 йилни оладиган бўлсак, юртимизда математика фани бўйича 56 та, кимё-биология фани бўйича 28 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 14 та ана шундай мактаблар ташкил этилди.

Таълим соҳасида янгича ёндашувлар фаол жорий этилмоқда. Ўзингиз айтинг, бундан тўртбеш йил олдин республикамизда хусусий мактаб ёки боғча бўлишини тасаввур қилиш мум-

кинмиди?

Биз бу соҳада жаҳон тажрибасини ўрганиб, янги тартиб-қоидаларни, замонавий таълим усулларини жорий этмоқдамиз. Жумладан, хусусий мактаб очиш учун лицензия олиш тартиби соддалаштирилди. Нодавлат таълим масканлари давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани туфайли ҳозирги вақтда уларнинг сони 195 тага етди.

Буларнинг барчаси ўз ижобий натижасини бермоқда. Буни 2017-2020 йилларда ўқувчиларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадаларида 30 та медални қўлга киритгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ёшларни талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш учун ўтган ўқув йилида 339 та касб-хунар мактаби, 194 та коллеж ва 195 та техникум фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда ислохотларимиз талаби, ҳаётнинг ўзи олий таълим соҳасини жадал ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу боис юртимизда сўнгги 5 йилда 64 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Қабул квотаси 3 баробар оширилди.

Эндиликда битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан – шунга эътибор беринг – 28 фоизга етказилди. Яқин келгусида ушбу кўрсаткични 50-60 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, авваламбор, ёшларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимиз марказида турибди. Шу мақсадда жорий йилда ногиронлиги бўлган ёшлар учун – 3 минг 155 та, Мехрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчилари учун – 1 минг 580 та, кам таъминланган оилаларга мансуб хотин-қизлар учун – 2 мингта қўшимча қабул квоталари давлат гранти сифатида ажратилди.

Бугунги кунда янги ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар ёшларимиз жаҳон майдонларида турли соҳа ва йўналишларда юксак марраларни эгалламоқда.

Мана, яқинда Японияда бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида моҳир спортчиларимиз ғолиб ва совриндор бўлиб, барчамизни қувонтирдилар.

Айни кунларда Токиода ёзги Паралимпия ўйинлари қизгин давом этмоқда. Унда иштирок этаётган Ўзбекистон жамоаси аъзолари бугунги кунга қадар 5 та олтин, 4 та кумуш, 6 та бронза медалларини қўлга киритиб, ўзларининг тенгсиз матонатини намоён этмоқдалар.

Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қила-

ётган мана шу жасоратли ўғил-қизларимизга янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун мустақиллигимизнинг биринчи йилида туғилган болалар ўттиз ёшга – айни камолот ёшига етди. Мен мана шу навқирон ёшларимизга, азиз ўғил-қизларимга мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Сиз истиқлол фарзандлари, озод ва эркин, ҳур фикрли инсонлар сифатида ҳаётга дадил кириб келаётганингиз биз учун энг катта бахт, катта давлатдир.

Мен ишонаман, сизлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини пухта эгаллаб, биз бошлаган ишларни муносиб давом эттирасиз.

Юксак ғайрат-шижоатингиз ва фидокорона меҳнатингиз билан юртимизда янги Ўзбекистонни – Учинчи Ренессансни бунёд этишга албатта қодир бўласиз.

Ҳеч қачон бўш келманг, азиз фарзандларим! Сизларга ҳамиша бахт ва омад ёр бўлсин!

Муҳтарам ватандошлар!

Ҳаммангиз гувоҳи бўлиб турибсиз, сўнгги йилларда биз **“Халқ ва армия – бир тану бир жон”** деган эзгу тамойил асосида Қуролли Кучларимизни янада такомиллаштириш, давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини ошириш бўйича муҳим ислохотларни амалга оширдик. Миллий гвардия, Мудофаа саноати давлат қўмитаси тузилди.

Соҳада замонавий кадрларни тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг оила аъзоларини, ҳарбий пенсионерларни қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда миллий армиямизнинг тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир жанговар кучга айланиб бораётгани бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Албатта, армия фақат қурол ва аслаҳа билангина кучли ҳисобланмайди. Армия аввало она Ватан учун жонини ҳам аямайдиган ҳарбийлар – аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар билан қудратлидир.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафида Ватан химоячиси бўлишни ўз ҳаётининг маъно-маъмуни деб билган ҳақиқий баҳодир, марди майдон фарзандларимиз хизмат қилмоқда. Улар Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур Мирзо каби буюк боболаримизнинг жанговар маҳоратини шараф билан давом эттирмоқда.

Ҳар қандай шароитда ҳам ўз бурчини виждонан бажаришга қасамёд қилган мард ва жасур посбонларимизнинг фидокорона хизматлари ва жасоратини барчамиз яхши биламиз ва юк-

сак қадрлаймиз.

Ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек муқаддас ва масъулиятли ишга бағишлаган ва буни ҳар кун, ҳар дақиқада амалда исботлаётган она юрт қалқонлари бизнинг фахримиз ва гурури-миздир.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъминлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бунинг учун энг қуйи тизим – профилактика инспекторлари тизими замонавий тузилма сифатида шакллантирилди. Улар эндиликда маҳалла идоралари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда 2017 йилга нисбатан жиноятлар сони 12 мингга камайгани, жорий йилнинг олти ойи якунига кўра эса, мавжуд 9 минг 251 та маҳалладан қарийб 50 фоизида биронта ҳам жиноятга йўл қўйилмаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу албатта ислохотларимизнинг ижобий самарасидан далолат беради ва бу ишларимизни изчил давом эттиришни тақозо этади.

Қадрли тантана иштирокчилари!

Мамлакатимиз янгиланиш даврига қадам қўйган биринчи кунлардан бошлаб биз очиқ, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиб келаётганимиз сизларга яхши маълум.

Ўтган қисқа даврда Ватанимизнинг минтақа ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди.

Авалло, минтақамиздаги давлатлар билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари йўлга қўйилди. Чегаралар очилди, одамлар қавму қариндошлари билан алоқаларини тиклаб, бир мамлакатдан иккинчи давлатга эмин-эркин бориб кела бошлади.

Жаҳон сиёсатшунослигида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора пайдо бўлди. Халқаро майдонда минтақа номидан янги ташаббуслар илгари сурила бошланди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш яхши анъанага айланди. Яқинда Туркменистонда бўлиб ўтган навбатдаги маслаҳат кенгашида ҳамкорликнинг янги, истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Сўнги кунларда ён қўшнимиз Афғонистонда юз бераётган воқеаларни ҳаммамиз ташвиш билан кузатиб турибмиз. Биз бу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши тарафдоримиз.

Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиё

минтақалари ўртасида ўзаро боғлиқликни мустақамлашда кўприк вазифасини бажара олишига ишонамиз.

Афғонистон билан алоқаларимизда дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ички ишларга аралашмаслик тамойилларига содиқ қоламиз.

Ушбу мамлакатда ҳокимият транзити халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларини инobatга олган ҳолда, миллий келишув асосида тинч йўл билан амалга оширилиши ўта муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ўтган даврда Россия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа мамлакатлар билан самарали битим ва келишувларга эришдик. Америка Қўшма Штатлари ва Фарб давлатлари билан прагматик ҳамкорлик сари янги қадамлар ташланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичда давом эттирилмоқда. 2019 йилда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо бўлдик. Бу мамлакатимиз учун халқаро майдонда янги иқтисодий, сиёсий ва маданий имкониятлар очиб берди.

Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан кузатувчи давлат мақомида қисқа даврда самарали алоқаларни йўлга қўйишга эришди. 2020 йилда мамлакатимиз илк бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида раислик қилди. Бу давр пандемия шароитида ўтганига қарамасдан, Ўзбекистоннинг бу борадаги фаолияти муваффақиятли ташкил этилди ва юқори баҳоланди.

Бу йил Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раислигини қабул қилиб оламиз ва унинг келгуси йили ўтадиган Саммитига пухта тайёргарлик кўраёпмиз.

Иқтисодий дипломатия воситаларидан самарали фойдаланиш республика экспорти ва инвестициялар оқимига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Чет эллардаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлашга, улар билан самарали ҳамкорлик қилишга катта эътибор берилмоқда. Улар республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга жалб қилинмоқда. Яқинда ана шундай муҳим вазифалар билан бевосита шуғулланадиган “Ватандошлар” жамоат фондидини ташкил этганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Айни пайтда узоқ-яқиндаги барча тараққий-

парвар мамлакатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш бизнинг устувор мақсадимиз бўлиб қолади.

Бугунги қувончли кунда биз билан даврамизда ўтирган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига тинчлик ва равнақ тилаймиз. Хусусан, тантанамизда иштирок этаётган Франция Сенатининг ҳурматли вакилларига чуқур эҳтиромимизни билдираемиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Ҳаммангизга яхши маълумки, шу йил 24 октябрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади.

Сўнги беш йил мобайнида мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз берди. Нуфузли халқаро экспертлар таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди.

Бу галги Президент сайловлари илк бор 2019 йилнинг 25 июнида қабул қилинган Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтади.

Бу сайлов барчамиз учун Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёти қандай йўлдан боради, фарзандларимиз, оиламиз, мамлакатимиз келажagini қандай барпо этамиз, деган ҳал қилувчи саволларга жавоб берадиган ғоят муҳим сиёсий тадбирдир. Шунинг учун ушбу сиёсий жараёнга кўпмиллатли халқимиз ҳам, жаҳон ҳамжамияти ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан қарамоқда.

Сайловда дунёнинг 50 га яқин мамлакати ҳамда ўнлаб халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Шу маънода, бўлғуси сайловлар юксак демократик мезонлар асосида ўтади ҳамда янги Ўзбекистон халқининг ўсиб бораётган сиёсий тафаккурини, ижтимоий фаоллиги ва маданий савиясини яққол намоён этади, деб ишонаман.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Биз кейинги йилларда белимизни маҳкам боғлаб, миллий манфаатларимизни таъминлаш, халқимизни рози қилиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, ғоят муҳим натижаларни қўлга киритмоқдамиз.

Энг асосий натижа – бошлаган ислохотларимиз ортга қайтмайдиган муқаррар тус олганида, бугунги жамиятимизнинг маънавий уйғони-

шида намоён бўлмоқда.

Маънавий уйғоқ жамиятни, ўз олдига улкан вазифалар қўйиб, келажак сари ишонч билан бораётган халқни ҳеч ким ўз йўлидан тўхтата олмайди. Бундай халқни Яратганимиз ҳам қўлаб-қувватлайди, доимо йўлини очиб беради.

Бугун миллион-миллион ватандошларимизнинг онгу тафаккури ўзгариб, улар ислохотлар жараёнига ўзини бевосита дахлдор деб билмоқда, бу ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда.

**Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил бормоқдамиз. Вужудимизда, қонимизда аждоқларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш янги Ўзбекистонни, албатта, бунёд этамиз. Ўзбекистон ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айланади.**

Мен сиз азизларни, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимизни ана шундай улуғ ва шарафли сафда – янги Ўзбекистон бунёдкорлари сафида кўриб турганимдан бахтиёрман.

**Орадан ҳали қанча йиллар, асрлар ўтади. Юртимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Миллий давлатчилигимизни тиклаб, бизга тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлида мана шундай беқиёс имкониятларни яратиб берган истиқлолимиз, жонажон Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамisha энг ёрқин, ўчмас саҳифа бўлиб қолади.**

Фурсатдан фойдаланиб, сиз кадрдонларимни, мўътабар нурунийларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, азму шижоатли ёшларимизни, бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклайман.

**Мана шу муборак айёмда барча ютуқларимизнинг бунёдкори бўлган меҳнаткаш, мард ва саховатли, бағрикенг ва олижаноб халқимизга фарзандлик меҳри билан таъзим қиламан.**


Барчамизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган она халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсон эзгу мақсадларига етсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

**Нурдинжон ИСМОИЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Спикери



## МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

Янги Ўзбекистон тарихидаги буюк сана — Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” деган эзгуғоя асосида кенг нишонланмоқда. Ушбу тарихий сана замирида чуқур маъно бор. Мустақиллик мамлакатимизда демократик миллий парламентнинг шаклланиши ва ривожланиши учун том маънода сиёсий-ҳуқуқий асос яратди. Истиқлолимизнинг илк йилларида — тарихан мураккаб, оғир ижтимоий-сиёсий ва таҳликали даврда Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатидаги суверенитети кафолатлари, замонавий давлатчилик тизимининг ҳуқуқий асосларини яратиш вазифаси, табиийки, парламентнинг гарданига тушган.

Дастлаб бир палатали парламент — Олий Кенгаш давлат бошқарувининг мутлақо янги органларини ташкил этишнинг, демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий негизи бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, ёш давлатнинг суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги ва бошқа бир қатор ўта муҳим қонунларни қабул қилди.

Олий Кенгаш ўрнига бир палатали парламент — Олий Мажлис шакллантирилди. Мазкур босқичда қонун ижодкорлиги депутатлар ишининг бош йўналишига айланди. Бу даврда қонун чиқарувчи олий орган мамлакатнинг демократик ва тараққиёт йўлидан мустақил ривожланиб боришининг ҳуқуқий негизини кенгайтирди ва мус-

таҳкамлади.

2002 йилнинг 27 январида ўтказилган умумхалқ референдуми якунлари асосида 2005 йилда мамлакатимизда икки палатали Олий Мажлис: доимий фаолият кўрсатадиган профессионал орган — Қонунчилик палатаси ҳамда ҳудудлар манфаатини ифода этадиган вакиллик органи — Сенатдан иборат парламент шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасидан бошлаб парламент фаолиятининг мутлақо янги даври бошланди, десак, муболаға бўлмайди. Мурожаатнома парламентнинг мамлакат ҳаётидаги ролини чинакамига оширди. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги сиёсий йўлидаги муҳим устуворликлар ҳамда вазифалар бўйича ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлаш учун кенг имкониятлар эшигини очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсида давлатимиз ва жамиятимизни ривожлантириш борасидаги энг асосий стратегик қарашларини, шунингдек, ҳаётимиздаги муҳим муаммоларга нисбатан шахсий муносабатини баён этди. Юртбошимиз давлат ва жамоат институтларини бошланган ислохотлар йўлини изчил давом эттиришга ундаган ҳолда, замонавий демократик давлатни барпо этиш борасида мамлакатимиз танлаб олган йўл муқобили бўлмаган аниқ ва ягона йўлимиз эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтди.

Чиндан ҳам сўнгги беш йил ичида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқларни, эришилган марраларни таҳлил қилар эканмиз, “Ўзбекистон Президенти танлаган янги сиёсий йўл зафар

қозонди”, деб ишонч билан айта оламиз. Зеро, “инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари”, “очиқлик ва ошқоралик”, “жамоатчилик назорати”, “хусусий мулк дахлсизлиги” каби тушунчалар айнан Ш.Мирзиёевнинг президентлик фаолияти билан бирга инсонларнинг реал ҳаётига чуқур кириб, амалий аҳамият касб этиб бордики, бундан буён одамлар ўз тақдирини ушбу тушунчаларсиз тасаввур эта олмайди.

Мамлакатимиз етакчиси ўз вазифасини бажаришга киришган илк кунларданоқ хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва бизнес вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ушбу соҳада давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришни энг устувор масала этиб белгилади. 2016 йил 5 октябрда “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон ва 42 та банддан иборат комплекс чора-тадбирлар дастури, ҳеч шубҳасиз, ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашда тамал тоши бўлди. Бу борада бошланган ишларнинг мантиқий давоми сифатида 2021 йил 20 августда давлат раҳбарининг тадбиркорлар билан ўтказилган илк очиқ мулоқоти, унда илгари сурилган ташаббуслар, белгиланган устувор йўналишлар Қонунчилик палатаси олдида ҳам янгидан-янги вазифаларни кўйди. Тадбиркорлар билан ўтказилган ушбу очиқ мулоқотда кўтарилган долзарб масалалар, билдирилган ташаббуслар Қонунчилик палатаси қонун ижодкорлиги жараёнига янада жиддий ёндашиб, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қийнаётган масалалар ечимини қонунларда акс эттириш бўйича барча зарур чораларни белгилаб олди. Бунда буён парламентда ҳам ишбилармонлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, шунингдек, халқ вакилларининг сайлов округларидаги учрашувлари давомида тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқотларни янада кўпайтиришга алоҳида эътибор берилди.

Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш, Ҳукуматнинг давлат дастурлари бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама қилиш, мансабдор шахсларнинг ахборотини эшитиш, шунингдек, қонун лойиҳаларини қабул қилишда тадбиркорларнинг манфаатлари устуворлигидан келиб чиқиб ёндашилади. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан вакиллик органлари ишига катта эътибор қаратилиб, депутатларни халқнинг ҳақиқий вакиллари,

унинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларининг том маънодаги ифодачиси сифатида эътироф этди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлиснинг ролини янада кучайтириш борасида муҳим омил бўлмоқда. Ушбу тарихий ҳужжат ўтган қисқа даврда халқ сайлаган вакиллик органлари — парламент ва халқ депутатлари Кенгашларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тўндан ўзгартирди.

**“Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида олдимизда ўта долзарб ва мураккаб вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун аввало қонун ижодкорлиги соҳасида ишни бутунлай янгича ташкил этишимиз керак” Ш.Мирзиёев**

Қонун ижодкорлиги — Қонунчилик палатаси фаолиятининг энг муҳим, биринчи галдаги вазифасидир. Қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар жиҳатдан мукамал бўлиши аҳоли фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади. Қонун ижодкорлиги фаолияти “Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт” деган устувор тамойилга асосланди. Бу эса Қонунчилик палатасини ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича холис баҳс-мунозара ва тортишувлар маконига, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги кураш майдонига, чинакам “демократия мактаби”га айлантормоқда. 2018 йилда қабул қилинган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишлари ҳам бутунлай янги йўналишда ташкил этилди, шунингдек, қонун лойиҳаларини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг демократик тартиб-қоидалари жорий этилди. Жумладан, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг қонун лойиҳалари бўйича фикрлари ва таклифларини депутатларга етказиш ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиш лозимлиги белгилаб қўйилди. Сиёсий хилма хиллик, кўппартиявийлик, масалаларни эркин муҳокама қилиш ва жамоа бўлиб ҳал этиш тамойилларига асосан ҳар бир қонун лойиҳаси ёки масала сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишларида дастлабки

тарзда кўриб чиқилмасдан туриб Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилмаслик принципи амалда қатъий мустаҳкамлаб қўйилди. Натижада 2020 йилда Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқиладиган пайтда 10 та қонун лойиҳаси фракцияларнинг қатъий позицияси туфайли мажлис кун тартибидан чиқарилиб, қайта ишлаш ва такомиллаштириш учун масъул кўмиталарга қайтарилди.

Ўтган даврда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги масъулияти янада оширилди. Эндиликда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинаётганда, қоида тариқасида, ташаббускор субъект ёки унинг вакили маъруза билан чиқиши белгиланди. Натижада қонун лойиҳасининг биринчи ўқиш жараёнидаги муҳокамаси том маънода жонланди. Қонун лойиҳаларининг халқаро шартномаларга, мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш амалиёти йўлга қўйилганлиги мамлакатимиз халқаро ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг тўлақонли бажарилишига эришиш, юртимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини янада яхшилашда муҳим ўрин тутмоқда.

Қонунларни қабул қилиш жараёнида кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш, бунда фуқароларнинг хоҳиш-истакларига қулоқ тутиш, аҳоли ўртасида очиқ муҳокамалар ўтказиш ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатаси томонидан ҳам қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш тартиби қабул қилинди. Жумладан, Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида “Жамоатчилик муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳалари” махсус рукни ташкил этилиб, сўнгги тўрт йилда жами 56 та қонун лойиҳаси аҳоли муҳокамаси учун жойлаштирилди. Мазкур амалиёт, биринчи навбатда, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларда сайловчилар манфаатларини янада тўлиқ ифодалашга ҳамда ушбу қонунларнинг ҳаётга самарали жорий этилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тўғридан-тўғри амал қиладиган, яъни ижро этилиши учун қонуности ҳужжати ишлаб чиқиш талаб этилмайдиган қонунларни қабул қилишга бўлган эътибор кучайтирилди. Шунга асосан, “Давлат божи тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги, “Маданий фаолият ва маданият ташкилотла-

ри тўғрисида”ги ҳамда “Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида”ги каби қатор қонунларда ҳавола шаклидаги нормалар ўрнига тўғридан-тўғри ишлайдиган қоидалар белгиланди. Ўтган даврда сайловчилар, шу жумладан, партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, депутатларнинг қонунлар сифатига, концепциясига нисбатан талаби кучайди. Натижада муҳокама қилинган бир қатор қонун лойиҳалари жиддий мунозара ва баҳсларга сабаб бўлиб, овоз бериш яқунларига кўра рад этилди. Жумладан, 2020 йилда 8 та қонун лойиҳаси рад этилиб, ташаббускор идорага қайтарилган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич, бор-йўғи, биттани ташкил этган эди.

Сўнгги йилларда қонун ижодкорлиги фаолияти кўлами ҳам, иш ҳажми ҳам олиб борилаётган ислохотларга ҳамоҳанг бўлмоқда. Қонунчилик палатасининг кўриб чиқишидаги қонун лойиҳалари сони аввалги йиллардагига қараганда қарийб уч баравар кўпайди, қонунларнинг ҳажми ҳам шунга монанд равишда бир неча баравар ошди. Жумладан, 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида Қонунчилик палатасининг кўриб чиқишида 32 та қонун лойиҳаси бўлган бўлса, 2021 йилнинг мос даврида бу рақам 98 тани ташкил қилди.

Қайд этиш жоизки, сўнгги беш йилда барча соҳада изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар ўз навбатида соҳада янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Бу эса масалани тезкорлик билан ҳал этишни талаб қилади. Шунга мувофиқ, ўтган даврда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасини янада ислоҳ қилиш, иқтисодий либераллаштириш, ижтимоий тармоқни ривожлантириш борасидаги масалаларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган, илгари мавжуд бўлмаган 50 дан зиёд қонунлар қабул қилинди. Хусусан, “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги, “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир. Ўтган даврда депутатлар корпусининг қонун ижодкорлиги фаолияти натижадорлиги янада ошиб, депутатлар ташаббуси билан киритилаётган қонун лойиҳаларининг салмоғи ортди. Хусусан, 2015 йилда депутатлар ташаббуси билан жами 8 та қонун лойиҳаси киритилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 19 тани ташкил этиб,

2 барабар ўсди. Ушбу рақамлар халқ вакилларининг сайловчилар томонидан кўтарилаётган долзарб муаммоларнинг ичига кириш, мунтазам таҳлил қилиш асносида уларга ҳуқуқий жиҳатдан ечим топишда янада ташаббускор бўлаётганлигини кўрсатади.

Қолаверса, сиёсий партиялар фракциялари жойлардаги муаммолардан доимий равишда хабардор бўлиб бораётганлиги қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда уларнинг ечимини топиш имконини кенгайтирмоқда. Фикримиз тасдиғи сифатида айнан аҳоли томонидан кўтарилган масалалар асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, шунингдек транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси ёнида бўлмаган ҳайдовчилар транспорт воситаларини бошқарганда автотранспорт воситаларини ушлаб туриш тартибини бекор қилишга қаратилган қонунларни келтириш мумкин. Шу билан бирга, ўтган даврдаги қонун ижодкорлигининг таҳлили бу борада ҳали ўз ечимини кутиб турган бир қатор масалалар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда депутатлар томонидан киритилган қонун лойиҳаларининг кўп қисми муайян қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларидир.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фракциялар аъзоларининг ташаббускорлиги ҳам талаб даражасида эмас. Ҳозирда айрим қонун лойиҳалари бир нечта фракция аъзолари томонидан биргаликда киритилмоқда. Бу эса, аниқ йўналиш, бир-бирдан фарқли сайловолди дастурлари ва электоратга эга фракцияларнинг ўз электорати манфаатларини тўлақонли ифодалаш имконини бермаяпти. Шу нуқтаи назардан, “бир фракция — бир лойиҳа” тамойили асосида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш амалиётига ўтиш муҳим аҳамият касб этади.

Қонунчилик палатасига киритилган ҳар бир қонун лойиҳасининг муҳокамаси депутатлар томонидан билдирилган кўплаб саволлар, фикр-мулоҳазалар, таклиф ва эътирозлар натижасидаги кескин баҳс-мунозара ва тортишувлар асосида ўтказилиб, айрим ҳолларда қонун лойиҳалари масъул кўмитага қайтарилмоқда. Бундай муҳокамалар, асосан, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида бўлиб ўтмоқда. Бироқ қонун лойиҳаларининг муҳокамасига бағишланган фракция ва кўмиталар йиғилишларида ҳам бундай қизгин мунозаралар кузатилмаяпти. Бундан ташқари,

ҳали ҳам ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунларнинг салмоғи етарли даражада эмас. Ушбу муносабатлар, асосан, қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда.

Қонун лойиҳаларининг сифатини янада ошириш бўйича кўрилган чораларга қарамасдан, палатага келиб тушаётган айрим қонун лойиҳалари депутатлар томонидан қайтадан тайёрланмоқда, халқ вакиллари лойиҳалардаги жузъий камчиликларни бартараф этишга кўп вақт сарфламоқда. Ваҳоланки, бундай масалаларни лойиҳа киритилгунга қадар ҳал этса бўлади. Бу каби ҳолатлар ушбу масалага қонун ташаббускорлари томонидан жиддий эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда. Қисқача айтганда, қонунларнинг мукамаллигини таъминлаш, ҳуқуқий ҳужжатларда ҳаётий ҳамда халқчил тамойилларни акс эттириш бирламчи вазифамиз бўлмоғи лозим. Зеро, давлат ва жамият тараққиёти қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатига боғлиқдир.

**“...депутатлар таъсирчан парламент назоратини олиб бориш орқали халқ ишончини оқлаши зарур”**  
**Ш.Мирзиёев**

Бугун ривожланган демократик давлатлар таърибасидан кўриш мумкинки, ислохотларнинг сифати ва самараси кўп жиҳатдан миллий парламентнинг иштироки даражасига боғлиқ. Бугунги кунда Ҳаракатлар стратегияси доирасида парламентимизда нафақат қонунлар ижроси, парламент ваколатларига киритилган йўналишларда Ҳукумат фаолиятини назорат қилиш, балки парламент бошқаруви шаклига асосланган республикалардаги каби Ҳукумат аъзолигига номзодларни Қонунчилик палатаси томонидан маъқуллаш амалиёти жорий этилди.

Ўтган даврда Қонунчилик палатаси ўзининг асосий вазифасини, яъни қонун ижодкорлигини амалга ошириш билан бирга, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини олиб борди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича парламентга зарур ваколатлар берилди. Жумладан, 2019 йилдан бошлаб Ҳукуматнинг Давлат дастури ижроси бўйича парламент олдида ҳар чоракда ҳисобот бериш амалиёти йўлга қўйилди. Ўтган даврда парламентда Вазирлар Маҳкамасининг давлат дастурларининг бажа-

рилиши ҳолати юзасидан ҳисоботи 10 маротаба кўриб чиқилди. Бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қатор таклифлар ишлаб чиқилди. Парламент назоратининг ушбу янги шакли Ҳукуматнинг халқ вакиллари олдигаги масъулиятини ошириш, давлат дастурларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда депутатлар корпусининг ислохотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимиз раҳбарининг давлат ҳокимияти турли тармоқларининг ўзаро бир-бирини тийиб туриш ҳамда мувозанатини сақлаш механизмлари тизимида парламентнинг ролини оширишга қаратилган ташаббуслари алоҳида эътирофга лойиқдир. Хусусан, Қонунчилик палатаси фаолиятига ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратининг муҳим тури — мунтазам равишда ўтказиладиган “Ҳукумат соати” институти жорий этилди. Ўтган даврда 27 маротаба “Ҳукумат соати” ўтказилиб, уларда ҳукуматнинг жами 33 нафар аъзоси халқ вакилларининг жамиятдаги долзарб масалалар юзасидан саволларига атрофлича жавоб берди. Ҳукумат аъзолигига номзодларни тасдиқлаш бўйича Президентимиз томонидан илгари сурилган тажриба парламентнинг назорат борасидаги ваколатларини янада кенгайтди. Қолаверса, ушбу амалиёт ҳукумат томонидан аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда натижадорликни таъминлаш ҳамда мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотлар фуқароларнинг ҳаёт тарзига янада чуқур кириб боришига хизмат қилмоқда.

Яқингача парламент аъзолари Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида фақатгина Ҳукумат аъзолари, Ҳисоб палатаси, Бош прокурор ва Марказий банк бошқаруви раисининг ахборотини эшитиш ҳуқуқига эга эди. Эндиликда парламент назорати объеклари доираси янада кенгайтирилиб, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига ҳам парламент сўровини юбориш, ҳам уларнинг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини парламент палаталарининг мажлисларида эшитиш тизими жорий қилинди. Ўтган даврда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига парламент сўровини юбориш институтидан фойдаланиш натижадорлиги сезиларли равишда ошди. Агар 2015 йилда бор-йўғи 1 та парламент сўрови юборилган бўлса, 2020 йилда 14 та сўров жўнатилган. Ушбу рақамлар парламент сўровлари қонун ва қарорлар ижроси ҳамда ислохотлар самарадорлигини таъминловчи таъсирчан воситага ай-

ланганини кўрсатади.

Парламент назорати тадбирлари давомида тегишли соҳани ривожлантириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда мансабдор шахслар ишига танқидий баҳо беришга урғу берилди. Бу эса Ҳукумат аъзоларининг, мансабдор шахсларнинг фаолияти самарадорлигини янада оширишга, пировардида, фуқароларнинг давлат органлари фаолиятидан розилигини таъминлашга, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ҳаракатлар стратегияси доирасида парламентга берилган янги ваколатлар нафақат мамлакат ички ҳаёти, балки ташқи сиёсатига оид стратегик вазифаларни ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2020 йилдан Ўзбекистон Республикасини Барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан Ҳукумат аъзолари ва тармоқ раҳбарларининг ҳисоботини мунтазам эшитиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Сўнгги йилларда парламент фаолиятида олиб бориладиган бу каби ислохотлар, айниқса, ҳисобдорликнинг бундай шаклларининг жорий этилиши ҳукуматнинг очиқлигини ва масъулиятини тубдан оширди. Қолаверса, жойларда аҳоли томонидан кўтариладиган масалаларни ҳукумат олдига қўйишда айни муддао бўлди. Шу билан бирга, парламент назоратининг барча шаклидан ҳамма вақт ҳам бирдек самарали фойдаланилмаяпти. Яъни парламент назорати шакллари ҳали етарлича ишга солинмаган ва фойдаланилмаган қирралари ҳам мавжуд. Жумладан, бугунги кунда юбориладиган депутат сўровларининг сони кўп бўлса-да, ушбу сўровларда кўтарилган масалаларнинг ҳал этилиш самарадорлиги пастлигича қолмоқда. Шунингдек, депутат сўровларини мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқиш муддатларининг бузилиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Шу боис хорижий давлатлар парламентларининг бу борадаги тажрибасини чуқур таҳлил қилган ҳолда депутат сўровини юбориш тартибини қайтадан кўриб чиқиш, ушбу институтдан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш чораларини кўриш талаб этилади.

Умуман олганда, Қонунчилик палатасига парламент назоратини амалга ошириш бўйича берилган ваколатлардан самарали фойдаланиб, халқ фаровонлигини юксалтириш ва жонажон Ватанимизни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш устувор вазифамизга айланмоғи зарур. Ишонч билан айтиш мумкинки, депутат-

лар корпуси бу ишга тайёр ва ҳозирги шиддатли ўзгаришлар даврида Президентимиз томонидан илгари сурилган ҳаётий ташаббусларнинг амалга оширилишида фаол иштирок этишга қатъий бел боғлаган.

**“Депутатлар муҳокамага киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ўзининг мустақам позициясини кўрсатган тақдирдагина, сайловчилари шончини оқлай олади”**  
**Ш.Мирзиёев**

Парламентга бўлиб ўтган сўнгги сайловлар жараёнида фуқароларнинг сиёсий партиялар ғояларига қизиқиши, сайловолди баҳс-мунозараларидаги фаоллиги ва талабчанлигининг ортганлиги фракциялар фаолиятини такомиллаштиришга туртки бўлди. Бугунги кунда парламент минбари чинакам баҳс-мунозара, принципаал тортишувлар майдонига айланди. Бунда сиёсий партиялар фракцияларининг ҳақиқий қиёфаси ва позицияси яққол намоён бўлмоқда. Қонун лойиҳалари муҳокамаси бўйича фракциялараро рақобат кескин кучайди. Натижада 2017-2021 йилларда 25 та қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига ҳамда 31 та қонун лойиҳаси қайта ишланиши учун қўмиталарга қайтарилди. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини таъминлаш, банк фаолияти, лицензиялаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш ҳамда кўп квартиралар уйларни бошқариш фаолиятини тартибга солиш ҳамда бошқа масалалар юзасидан фракциялараро муҳокамалар кескин тарзда ўтди.

Сиёсий партиялар манфаатини Қонунчилик палатасида ҳимоя қилиш ишини ташкил этиш, кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан фракциянинг ягона позициясини ишлаб чиқиш, фракция аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида 2017 йилда Қонунчилик палатасидаги ҳар бир сиёсий партия фракциясининг ижрочи котиби, яқиндан бошлаб Қонунчилик палатаси депутатининг ёрдамчиси лавозимлари таъсис этилди. Бу эса фракциялар билан тегишли партиялар ўртасидаги алоқаларни янада жонлантди. Айни пайтда фракцияларнинг ўзи мансуб бўлган сиёсий партиялар билан узвий алоқасини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, сиёсий партиялар ҳамда жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларини фракциялар томонидан кўриб чиқиладиган қонун лойиҳалари ва тегишли масалалар хусусида хабардор қилиб бориш тизими йўлга қўйилди. Бу амалиётга кўра,

фракциялар томонидан кўриб чиқиладиган қонун лойиҳалари жойларда муҳокама қилиш учун тегишли партияларга юборилмоқда, сиёсий партиялар эса уларни жойлардаги партия ташкилотларига етказмоқда.

Қонун нормаларининг халқчиллигини таъминлаш ҳамда жамият ҳаётини янада яхшилаш борасидаги самарадорлигини ошириш мақсадида фракцияларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳам янги амалиёт — “электорат билан маслаҳатлашувлар” институти жорий этилди. Натижада ўтган даврда палатага келиб тушган қатор қонун лойиҳалари фракциялар томонидан жамоатчилик иштирокида кенг муҳокамалардан ўтказилиб, маромига етказилди. Ушбу амалиёт “Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт” деган устувор тамойилнинг амалда татбиқ этилишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу билан бирга, бугунги ислохотлар жараёни фракциялар фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш бўйича қатор масалаларга ҳам эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда. Жумладан, фракциялар ўз партияси электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳалари бўйича ташаббускорлиги етарли даражада эмас. Мисол учун, 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида Қонунчилик палатасига киритилган жами 69 та қонун лойиҳасининг бор-йўғи 8,6 фоизи фракциялар ташаббусига тўғри келади холос. Қонунчилик палатасида бирор қонун лойиҳасини қабул қилишда ташаббускор бўлган фракция ушбу ҳуқуқий ҳужжатни амалиётга жорий этиш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни йўлга қўйиши муҳим аҳамият касб этади. Фракциялар электорат билан таъсирчан мулоқотни йўлга қўйиш орқали қабул қилинган қонунлар халқ томонидан қандай баҳоланганлигини, қайси қонунлар аҳолига наф келтираётганлигини, қайси ҳуқуқий ҳужжат эса ишламай турганлигини таҳлил қилиши зарур.

Парламент фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, халқ вакилларининг фуқаролар олдида ҳисобдорлигини ошириш мақсадида фракцияларнинг ҳар чоракдаги фаолияти бўйича матбуот анжумани ташкил этиш борасидаги ишларини ҳам жонлантириш зарур бўлади. Бу, албатта, қабул қилинадиган қонунларнинг самарали ишлашини таъминлаш, қўйи палатада муҳокама этиладиган муҳим масалалардан жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда ролини мустақамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**“Мамлакатимизда давлат органлари фаолиятида очиқлик ва ошкоралик тобора кенгайиб бормоқда” Ш.Мирзиёев**

Давлат раҳбари томонидан таъкидланганидек, жамиятдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳал этишда мамлакатимиз ҳаётини янада эркинлаштириш, очиқлик ва ошкоралик муҳитини таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим роль ўйнайди. Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг ўтган даврдаги фаолиятида ҳам очиқлик ва шаффофлик бош мезонга айланди. Медиа маконининг талаб ва эҳтиёжларига мос тарзда “Facebook”, “Telegram” ва “Instagram” каби ижтимоий тармоқлар ҳамда “YouTube” видеохостингида “Oliy Majlis Qonunchilik palatasi” номли расмий саҳифалар очилганлиги палата фаолиятига оид холис, ишончли ахборот тарқатилишини таъминламоқда.

Бугунги кунда Қонунчилик палатаси мажлисларини, сиёсий партиялар фракциялари, кўмиталар йиғилишларини оммавий ахборот воситалари ҳамда қуйи палатанинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали тўғридан-тўғри эфирга узатиш амалиёти йўлга қўйилди. Хусусан, 2021 йилда ўтказилган “Ҳукумат соати” тадбирлари Қонунчилик палатасининг “YouTube”даги расмий саҳифаси орқали жонли тарзда кенг ёритилди. Парламент фаолияти натижаларидан аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш масаласи Қонунчилик палатасининг эътибори марказида бўлди. Қуйи палата мажлислари, назорат-таҳлил тадбирлари ҳақидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида, расмий веб-сайтларда, ижтимоий тармоқларда кенг ёритишга устувор эътибор қаратилди. Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини ҳар қачонгидан ҳам очиқ ва ошкора олиб бориш учун электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи “Электрон парламент” тизимини яратиш борасида сезиларли ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, депутатларнинг сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш, кўриб чиқиладиган ҳужжатларни муҳокама қилиш имкониятини берадиган “Қонун ижодкорлиги фаолияти тизими” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Депутатлар портали” синов тариқасида ишга туширилди. Ушбу хизматлар депутатларга сайловчилардан келиб тушган мурожаатлар ва қабулга ёзилиш бўйича сўровларни электрон тарзда қабул қилиш ҳамда онлайн мулоқот олиб бориш имконини бермоқда. Бугунги кунда ахборот майдонида Қонунчилик палатаси аъзоларининг фаоллиги сезиларли даражада ошди. Хусусан, депутатлар ижтимоий тармоқларда шахсий саҳи-

фаларини очиқ, ўз фаолияти ҳақида сайловчиларни хабардор этиб бориш баробарида, жамият ҳаётига оид долзарб масалалар бўйича жамоатчилик билан олиб бориладиган фаол мулоқотнинг ташаббускорига айланди.

**“Депутат, аввало, ҳамиша халқ дарди билан яшаши, одамларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун фидойилик кўрсатиб бошқаларга ўрнак бўлиши лозим”**

**Ш.Мирзиёев**

Бугун барча ислохот, ўзгариш ва янги лойиҳалар халқимизни рози қилиш, одамларнинг муаммоларини тинглаш ва уларга ўз вақтида ечим топиш, фуқароларнинг ишончини оқлаш ҳамда оғирини енгил қилишга қаратилган. Жамиятдаги мавжуд камчиликларни аниқлаш, аҳоли билан яқиндан мулоқот қилишда халқ вакиллари бўлган депутатларнинг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, халқ вакиллари фаолиятида сайловчилар депутат олдида эмас, депутат ўз сайловчилари ҳузурига бориши шарт, деган тамойил устуворлик касб этди. Хусусан, илгари депутатлар ўз сайловчилари билан йилда икки ёки уч марта мулоқот қилган бўлса, бугунги кунда бу борадаги ишлар мунтазамлик касб этиб, халқ ноиблари ҳар ойнинг охирига ҳафтасини ўз сайлов округида ўтказмоқда. Сайлов округидаги вазиятдан мунтазам равишда хабардор бўлиб бориш мақсадида ҳар бир депутат ўз ҳудудидаги Халқ қабулхоналари билан доимий алоқа ўрнатди. Ушбу ҳамкорлик жойларда сайловчиларни қийнаб келадиган муаммоларни аниқлаш ва ўз вақтида ҳал этиш, одамларнинг дарду ташвишларини тинглашида муҳим омил бўлмоқда.

Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар парламентга аҳолини ташвишлантириб келадиган муаммоларни чуқур ўрганиш, халқ ва давлат институтлари ўртасида кўприк бўлиш, сайловчиларнинг манфаатларини тўлароқ ифодалаш имконини берди. Бу борадаги ишларни ташкил этишда депутатлар нафақат фуқаролар томонидан билдириладиган муаммо ва камчиликларни ўрганмоқда, балки ижтимоий ҳаётнинг муҳим жабҳаларидаги ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга халқнинг фикри ҳамда аҳоли манфаатларини инобатга олган ҳолда алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, инсонларнинг соғлигини сақлаш, тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш масалаларига Қонунчилик палатаси масъул қилиб белгиланганлиги депутатларимиз ишига янгича муҳим йўналишни олиб кирди. Бугунги кунда Қонунчи-

лик палатасида тузилган Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича парламент комиссияси иштирокида ҳудудларда ўрганишлар ўтказилиб, соҳадаги мавжуд муаммолар аниқланмоқда ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Депутатлар томонидан тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги кенг қамровли фаолият алоҳида мавзу бўлиб, у доимо халқ вакилларининг диққат марказида туради.

Ҳозирда парламент аъзолари қонун ижодкорлигини амалга ошириш билан бирга, ҳар ойда ҳудудларга чиқиб, муайян масала ва муаммоларни ўрганмоқда. Жумладан, ўтган даврда бирламчи тиббий-санитария ёрдамни кўрсатиш, таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш каби долзарб масалалар халқ вакилларининг доимий эътиборида бўлди. Депутатлар томонидан “темир дафтар”га киритилган аҳолини қўллаб-қувватлаш, “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” асосида ишсиз ёшлар ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, жойларда одил судловни амалга ошириш, деҳқон хўжаликлари ҳамда шахсий томорқалардан самарали фойдаланиш борасида бажарилаётган ишларнинг ҳолати атрофлича ўрганилди. Ушбу ўрганишлар яқунлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокама қилинди. Шу ўринда депутатлар сайлов округларидаги фаолиятининг натижадорлигини ошириш ва сайловчилар билан тизимли иш олиб бориш бўйича ўз ечимини кутаётган бир қатор масалалар ҳам мавжудлигини, халқ вакилларининг аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш борасидаги фаолиятига янги механизм ва самарали усулларни жорий қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Кейинги пайтларда сайловчилар қатор муаммоларни кўтариш билан бирга, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича асосланган таклифлар ҳам билдиришмоқда. Депутатлар корпуси ушбу таклифларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, уларни қонун лойиҳаларида акс эттириши, жойлардаги тизимли муаммоларни ҳал қилиш бўйича қонун ташаббускорлигини янада кучайтириши зарур.

**“Маҳаллий Кенгашларда ҳам, худди Сенат ва Қонунчилик палатасидаги каби, ёшлар парламенти вакиллари мактаби ташкил этилади” Ш.Мирзиёев**

Сўнгги йилларда парламентда ёшларнинг ўрнини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, бугунги кунда Қонунчилик палатаси депутатларининг 9 нафари ёки 6 фоизи 30 ёшгача бўлганлардир. Бугунги кунда қуйи палатадаги Ёшлар парламенти аъзолари қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёнига эртамик эгаларини жалб этиш ва қабул қилинаётган қонунларни ёш авлод орасида кенг тарғиб қилиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишда фаол қатнашмоқда. Жумладан, ўтган давр мобайнида Қонунчилик палатасига киритилган 19 та қонун лойиҳаси юзасидан Ёшлар парламенти томонидан навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид таклифлар тайёрланди. Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан 30 июнь — Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимда парламентда йигит-қизларнинг иштирокини ошириш, сиёсий етук ва фаол ёшларни миллий парламент ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш борасида қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Шундан келиб чиқиб, парламентда келажак ворисларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш бўйича яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган қатор вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, энг аввало “Биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз!” деган ташаббусни амалга ошириш орқали ёшлар ва парламент ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланади. Шунингдек, сиёсий етук ва фаол йигит-қизлар парламент аъзоларига бириктирилади, Қонунчилик палатаси ва Сенатдаги каби маҳаллий Кенгашларда ҳам ёшлар парламенти вакиллари мактаби ташкил этилади. “Фракция ва ёшлар”, “Депутат ва ёшлар”нинг тўғридан-тўғри мулоқотини ўтказиш орқали ёшларни тадбиркорликка жалб этиш ва уларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб этиш, фикрлари ва таклифларини ўрганиб бориш парламент аъзоларининг фаолиятида устувор вазифага айланади.

**“Халқаро парламентлараро алоқаларни тизимли равишда ривожлантириб бориш бундан кейин ҳам депутатларнинг доимий эътибор марказида бўлиши зарур”**

**Ш.Мирзиёев**

Бугунги кунда парламент нафақат вакиллик, қонун ижодкорлиги, назорат фаолиятини амалга ошириш, балки Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган, очиқ, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи ҳамкорликка қаратилган

ташқи сиёсатни юритишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, ўтган даврда Қонунчилик палатасининг халқаро парламентлараро алоқалари мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларга мос равишда янги сифат босқичига кўтарилди. Ўзбекистон дунёдаги энг нуфузли халқаро парламент ташкилотлари бўлган Парламентлараро Иттифоқда, ЕХХТ Парламент Ассамблеясида, МДХ Парламентлараро Ассамблеясида ўзининг аъзолигини тиклади. Бу эса кенг доирадаги масалалар бўйича самарали ҳамкорлик борасида кўшимча имкониятлар эшигини очди. Қонунчилик палатасининг халқаро алоқалари географиясини кенгайтириш, жаҳон миқёсида мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, парламентлараро гуруҳлар фаолиятини жонлантириш ҳамда бу борада таъсирчан парламент назоратини кучайтириш мақсадида Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари лавозими жорий этилди. Ушбу янги институтнинг жорий қилиниши парламентнинг халқаро парламентлараро алоқаларини сезиларли даражада фаоллаштирди.

Хорижий давлатлар парламентлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро парламентлараро ташкилотлар фаолиятида Олий Мажлиснинг фаол иштирокини таъминлаш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг ташаббусларини илгари суриш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепцияси тасдиқланди.

Ўтган даврда Олий Мажлиснинг хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлик бўйича гуруҳлари ва комиссияларининг ишларини фаоллаштириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш чораларининг кўрилиши натижасида парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари фаолияти кескин жонланди. Қонунчилик палатасида 2015-2019 йилларда 28 та парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи фаолият олиб борган бўлса, 2021 йилда уларнинг сони қарийб икки баравар ошиб, 53 тага етди. Парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустақамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш, хорижий давлатлар парламентлари билан тажриба алмашинувини йўлга қўйиш орқали ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.


Қайд этиш жоизки, ўтган даврда Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларидаги мажбуриятлари бажарилиши ҳамда халқаро йўналишда қабул қи-

линган “йўл хариталари” ижроси устидан парламент назорати кучайтирилди. Жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда парламентнинг ролини ошириш, халқаро ташкилотлар тавсиялари ижросини ташкил этиш, хорижий инвестициялар ва ташқи савдо масалаларига оид тасдиқланган кўплаб “йўл хариталари” устидан самарали парламент мониторингини амалга ошириш амалиёти йўлга қўйилди.

Сўнгги йилларда халқаро йўналишдаги қонун ижодкорлиги ҳам сифат жиҳатидан сезиларли даражада ўсди. Жумладан, 2010-2014 йилларда халқаро шартномаларни ратификация қилиш ва халқаро ҳужжатларга қўшилишга қаратилган 20 та қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, қабул қилинган бўлса, 2015-2019 йилларда ушбу рақам икки баравар ошиб, 47 тани ташкил этди. Кейинги йилларда миллий парламентимизнинг нуфузли халқаро парламентлараро бирлашмалардаги иштирокини янада кенгайтириш, бунда мамлакатимиз манфаатларини фаол илгари суриш ҳамда амалий натижадорлик нуқтаи назаридан ёндашиш муҳим масалалардан бирига айланмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, мустақиллик йилларида юртимизда олиб борилган ислохотлар бугунги тинч-осуда, фаровон ҳаётимизга тамал тоши бўлмоқда. Айниқса, кейинги беш йилда амалга оширилган шиддатли, кўламдор, таъсирчан ва натижадор ислохотлар мамлакатимизда парламентаризм тизимининг ривожини учун катта туртки бўлди. Бугун мамлакатимизда барча соҳадаги ислохотлар чуқурлашиб, демократик янгиланишлар ўзининг сифат жиҳатидан янги поғонасига кўтарилиб бормоқда. Энг муҳими, фуқароларимиз онг-тафаккурида кечаётган ўзгаришлар юртимизнинг қиёфасида инъикосини топмоқда. Бундай ўзгаришларнинг туб илдизи эса давлатимиз раҳбари илгари сурган Ҳаракатлар стратегиясида ва умуман, сўнгги беш йилда амалга оширилган кенг миқёсли ислохотлардан иборатдир, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ролини кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар депутатлар корпусидан янада фаол бўлишни, ўз фаолиятига янгича руҳ ва мазмун-моҳият олиб киришни тақозо этмоқда. Шу йўсинда депутатлар корпуси ислохотларнинг том маънодаги ташаббускори ва мададкори бўлиш учун бор салоҳиятини ишга солган ҳолда, ўз фаолиятини такомиллаштириб бораверади.

**Содиқ САФОЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати  
Раисининг биринчи ўринбосари



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИДА

Бугун Ватанимизнинг 30 йиллик мустақил тараққиёти даврида ташқи сиёсат жабҳасида эришилган ютуқлар ва келажақда амалга оширилиши лозим бўлган фаолият борасида фикр юритишимиз ўринлидир.

Президентимиз Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсида истиқлол йилларида амалга оширилган тарихий ишлар ҳақида гапирар экан, энг катта ютуқларимиз қаторида “Ватанимиз суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади”, дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Сўнгги беш йил мобайнида замонавий халқаро муносабатлар тизимида юз берган энг йирик ўзгаришлардан бири, шубҳасиз, дунёда “Янги Ўзбекистон” атамаси вужудга келганидир. Бунинг боиси, албатта, биринчи навбатда, Президент Ш.Мирзиёев бошлаб берган инқилобий ўзгаришлардир. Айнан шу ислохотлар жамиятимиз ривожининг янги мафқурасини белгилади. Ўзбекистон ўзининг цивилизация нуқтаи назаридан тарихий ўрнини янгидан тиклаш, Учинчи Ренессанс асосларини барпо этишга киришди.

Уйғониш даврнинг ҳал қилувчи омилларидан бири дунёга очиқлик ва ташқи алоқаларнинг кенг қамровлиги ҳисобланади. Аввалги Ренессанслар замирида йирик макроминтақада муштарак иқтисодий, маданий, гуманитар макон вужудга келгани билан боғлиқ бўлган йирик эврилишлар бор. Бундан ташқари, узоқ масофали савдо Марказий Осиёнинг юксалишида, гуллаб-яшнашида катта роль ўйнаган. Буюк ипак йўли наинки товарлар алмашинуви, балки маданият, ғоя, илмий кашфиётлар айирбошлаш воситаси ҳам бўлган.

Бугун янгиланган Ўзбекистон ташқи сиёсати айнан очиқлик ва ташқи алоқаларнинг ҳамма йўналишида, Фарбу Шарқ, Жанубу Шимол, барчасини бирдек ривожлантиришга қаратилгани бежиз эмас. Мустақил ўзбек давлатчилиги тиклангач мамлакат ташқи сиёсатини шакллантириш ва юритиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Аввало, бу ғоят мураккаб халқаро

вазиятнинг ютуғи мамлакат суверенитети ва давлат мустақиллигини сақлаб қолиш ҳамда мустақамлашга муваффақ бўлинганида, бошқа давлатлар сиёсатининг пассив объектига айланиб қолишининг олди олинганида намоён бўлади.

Ўзбекистон, бир томондан, барча етакчи давлатлар билан илғор муносабатлар ўрнатиш, шу билан бирга, кудратли давлатлар сиёсати таъсирига тушмаслик имконини берувчи пухта ташқи йўлни яратишга муваффақ бўлди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда юритилган қатъий ва изчил ташқи сиёсат, жумладан, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-маданий, цивилизацияга йўғрилган ислохотлар мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширди. Айтиш мумкинки, ҳозирги замоннинг барча кудратли мамлакатлари Ўзбекистонни халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнига ва махсус миссиясига эга давлат сифатида тан олади. Бу Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг кўзга кўринган ва тарихан муҳим натижаларидан биридир.

Шу билан бирга, очиқ айтиш керакки, 2016 йилгача бўлган даврда субъектив сабаблар туфайли расмий Тошкент қатор муҳим соҳаларда катта ташқи сиёсий ютуқларга эриша олмаган эди. Аввало, бу минтақадаги яқин қўшниларга, шу жумладан, Афғонистонга нисбатан ташқи сиёсат йўлини шакллантириш билан боғлиқ, Ушбу мамлакатлар билан турли даражада, хусусан, юқори даражада доимий ва бевосита мулоқот ўрнатилмади, оқилона мурасага тайёрлик намоёйиш этилмади. Шу сабабли Марказий Осиёда сув ва энергетика, экология, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш масалалари, этник диаспоралар ҳолати, транспорт йўлларида айрилиб қолганлик билан боғлиқ энг долзарб муаммолар ечими топилмади.

Демократик ислохотларни амалга ошириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ тизимли муаммолар натижасида мамлакатнинг ноқулай халқаро имижга яратилган эди. Бу Ўзбекистоннинг рейтинг натижаларига ҳам салбий таъсир

кўрсатди. 2016 йил охирида ўтказилган рейтингнинг танқидий таҳлили шуни кўрсатдики, катта инвестиция салоҳиятига қарамай, мамлакат хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича кўплаб давлатлардан, жумладан, кўшнилardan ортда қолди. Жаҳон банкининг 2015 йилги маълумотларига кўра, Ўзбекистон аҳоли жон бошига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича минтақада сўнгги ўринни эгаллади. Умуман олганда, 2016 йилнинг охирига келиб, ташқи сиёсатнинг бир қатор йўналишларида фавқулodда чора-тадбирлар кўришни талаб қиладиган танг вазият юзага келган эди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш доирасида мамлакатнинг янгиланган ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича катта ишлар қилинди. Бу жараёнда дипломатик фаолият хусусияти ва мазмуни тубдан ўзгарди. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг янги услуби шаклланди. Мамлакат ташаббусга доимий интилиши, юксак кадр-қиммати, теранлиги, қатъиятчилиги билан ажралиб турди. Марказий Осиёда тубдан янги сиёсий муҳитни яратиш, БМТда муҳим ташаббусларни илгари суриш бўйича чора-тадбирлар, жаҳон ҳамжамиятининг юксак баҳосига сазовор бўлган Афғонистондаги низони ҳал этиш бўйича халқаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган фаол ҳаракатлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг нуфузи ошишига кўмаклашди.

Ташқи сиёсатнинг янги йўналиши, биринчи навбатда, давлатлараро объектив зиддиятлар ва табиий манфаатлар тўқнашуви мавжуд муаммолар бўйича қўшни мамлакатлар билан мулоқот қилишга тайёрликда намён бўлади. Миллий манфаатларни сўзсиз ва қатъий ҳимоя қилиб, оқилона мурося излашга интилиш Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти минтақадаги вазиятни чуқур англашини билдиради ва мамлакатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш омили ҳисобланади. Мамлакатимиз янги минтақавий сиёсатининг асосий мақсади Марказий Осиёни барқарорлик ва доимий тараққиёт зонасига айлантириш, минтақада ишонч ўзаро ҳурмат ва аҳил қўшничилик муҳитини яратишдир. Пировардида жаҳон сиёсатшунослигида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора пайдо бўлди. Бу сўнгги йилларда бизнинг ташқи сиёсатимизда том маънода бурилиш даври бўлганидан далолат.

Президентимиз сиёсатининг довжораклиги ва халқчиллиги шунда кўринадикки, бир неча йил олдин Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим янгилик пайдо бўлди ва Ўзбекистон Афғонистондаги барча ички кучлар, шу жумладан, “Толибон” ҳаракати билан бевосита мулоқот ўрнатди. Ўша пайтда кўпгина хорижий экспертлар, ҳамкорларимиз бу қадамнинг моҳиятини тўғри англай олмади, ҳаттоки Ўзбекистонни танқид қилган

овозлар ҳам эшитилди. Лекин биз бугун бу қанчалик ўз вақтида ва узоқни кўра билиб қўйилган қадам бўлганини кўриб турибмиз.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлиги бағишлаб ўтказилган конференция тарихий воқеа, кўп жиҳатдан ноёб форум бўлди. Ўзбекистоннинг янгиланган ташқи сиёсати туфайли сўнгги йилларда Марказий Осиёда юз берган туб ўзгаришларсиз ушбу анжуманни ташкил этиш имконсиз бўлар эди. Вужудга келган янги сиёсий муҳит Марказий Осиё ва бошқа минтақалар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш учун шарт-шароит яратади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари тизимида юз берган энг йирик ўзгаришлар негизида Президент Ш.Мирзиёев юритаётган дунёга очиқлик, кенг қамровли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган сиёсат ётади. Натижада тарихан қисқа даврда Ўзбекистон дипломатияси йирик ютуқларга эришди.

Биринчидан, мамлакатимизнинг халқаро обрўси ва таъсири мисли кўрилмаган даражада ортди. Бунга мисоллар кўп. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти атиги бир неча йил ичида Ўзбекистон томонидан киритилган тўртта резолюцияни қабул қилди. Бу — катта ютуқ.

Иккинчидан, қисқа давр мобайнида Ўзбекистон раҳбари дунёда энг нуфузли давлатлар томонидан янги формациядаги ва катта обрў қозонган арбоб сифатида тан олинди. Бу бугунги даврда Ўзбекистоннинг мавқеини ошириш, миллий мақсадларимизни илгари суришнинг жуда муҳим омилidir.

Учинчидан, барча қўшнилариимиз, МДХ доирасидаги анъанавий ҳамкорларимиз билан ўзаро ишонч руҳидаги муносабатлар янги мазмун билан бойитилиб, ривож топди. Айни вақтда саноати ривожланган давлатлар ва етакчи халқаро ташкилотлар билан муносабатлар илгари ҳеч қачон кузатилмаган поғонага кўтарилди.

Шу билан бирга, минтақамиз ва бутун дунёда вазият шиддат билан ўзгариб бормоқда. Бу эса ташқи сиёсатимизни мутаносиб равишда такомиллаштиришни олдимизга муҳим вазифа сифатида қўяди. Илгари маҳаллий даражадаги муаммолар глобаллашув шароитида янги, мисли кўрилмаган кўламда юзага келган эди. Бу ва бошқа омиллар халқаро муносабатлар табиати, ташқи сиёсат муассасалари фаолиятининг мазмуни тубдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюси ва тадбиркорлар билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотида Ўзбекистонимизнинг янада равнақ топиши, юртимизда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётга қаратилган янги марраларни белгилаб берди. Бу мамлакатимиз манфаатларини халқаро миқёсда илгари суриш бўйича фаолиятни янада фаоллаштиришни тақозо этади.



**Худоёр МАМАТОВ,**  
*юридик фанлар доктори, профессор*

## МУСТАҚИЛЛИК — МУҚАДДАС КАЛОМ, ОЗОДЛИК ЭНГ ТОТЛИ СЎЗ

Томчида қуёш акс этади, деганларидек, инсон умрининг ҳар лаҳзасида жуда катта маъно мужассам. Шундай кунлар бўладики, улар моҳиятига кўра ойлар, йилларга тенглашади, миллат, жамият, мамлакатнинг, шу мамлакатда яшаган неча-неча авлодларнинг тақдирини, бахтли ҳаёт йўлини белгилаб беради



1991 йил 31 август куни тарихимиз солномасида худди шундай мўътабар кун сифатида муҳрланиб қолган. Шу куни қабул қилинган тарихий қарорга биноан, 1 сентябрь юртимизда

Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилинди. Халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариш, фуқароларга муносиб ҳаёт кечириш учун шарт-шароитлар яратиш, Ўзбекистонни ри-

вожлантириш, уни турли хуружлардан ҳимоя қилиш истиқлолимизнинг бош ғояси, асосий мақсади этиб белгиланди.

Мустақиллик — бебаҳо неъмат. Шу боис, энг улуғ, энг азиз айёмни катта тайёргарлик билан кутиб олиш мамлакатимизда эзгу анъанага айланган.

Президентимизнинг 2020 йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорини ўқиганда бугунги тинч-тотув ҳаётимиздан, мамлакатимиз ва халқимиз эришадиган ютуқ ва муваффақиятлардан мамнун бўлиш баробарида, эртанги ёруғ кунларимиз, келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишга бўлган ишончимиз янада ортади.

Қарорда ҳақли таъкидланганидек, мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустаҳкам иродаси ва матонатини намоён этди, оғир синов ва машаққатларни мардона енгиб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкамланмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида кенг кўламли ислохотлар, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Зеро, мустақиллик, бу — энг аввало, ҳуқуқ демакдир. Фақат мустақиллик орқалигина юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини англади, истиқлол юртимизда яшаётган, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили бўлди.

Қутлуғ байрам шодиёналарига халқимизнинг турли соҳаларда эришадиган улкан ютуқлари, қуриб фойдаланишга топширилаётган маданий-маърифий иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, обод бўлаётган қишлоқ ва маҳаллалар, туман ва шаҳарлар, барпо этилаётган замонавий уйлар, кластерлар, янги иш ўринлари, қад ростлаётган ҳосил хирмонлари ўзгача руҳ бағишламоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган одилона, инсонпарвар сиёсат туфайли халқнинг маъ-

навий руҳи мустаҳкамланди, ижтимоий фаоллиги ошди, огоҳлиги таъминланди. Янада муҳими, бугун мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди ва мавқеидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўзининг азиз Ватани, олтин бешиги, деб ҳисоблайди. Бу Ватаннинг тинч-тотувлиги, янада гуллаб-яшнаши учун ўзини масъул деб билади. Унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори кун сайин ошиб бораётганидан, нуфузи мустаҳкамланаётганидан чексиз фахрланади.


Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, аҳил-иноқликка ҳамманинг ҳаваси келади. Мамлакатимиз тарихан қисқа даврда ўз кучи ва салоҳиятига таянган, сарҳадларини, тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бугун изчил, барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айлангани барчамизга ғурур-ифтихор бағишламоқда.

Бу ютуқларга мустақиллик туфайли эришилди. Давлатимиз раҳбарининг қатъий халқчил сиёсати, халқимизнинг сабр-бардоши, ғайрат-шижоати, улуғ келажакка бўлган ишончи, олижаноб фазилатлари боис, мустақил тараққиёт йўлида учраётган турли сунъий тўсиқлар енгиб ўтилмоқда. Дунёнинг турли мамлакатлари турли можаролар, экстремизм, терроризм, наркотрафик, одам савдоси каби балолардан озор чекиб турган бир пайтда, юртимизда халқимизнинг моддий фаровонлиги тобора яхшиланиб, янги иш ўринлари барпо этилаётгани, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиб, нарх-наво барқарорлашиб, даромад манбалари кўпаяётгани ҳавас қилишга арзийди. Халқимиз, чиндан ҳам, бугунги дунёқараши, онгу тафаккури, ҳаётга, меҳнатга, ён-атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати, ижтимоий-сиёсий қарашлари билан ўтган асрнинг 90-йиллари одамларидан кескин фарқ қилади. Замонавий билимларни пухта эгаллаган, жисмонан чиниққан, халқаро фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритиб, юксак марраларни забт этаётган ёшлар эса буюк истиқлолимизнинг умидбахш мевалари, халқимизнинг ишончи ва таянчидир.

Дунё мамлакатлари тарихидан яхши маълумки, мустақил фикрлай оладиган, ҳар жиҳатдан малакали ва билимдон, баркамол ёшлар миллат олдида турган ҳар қандай мураккаб, масъулиятли вазифани ҳал этишга қодир бўлади. Биз бугун босиб ўтилган 30 йиллик тарихан қисқа, аммо залворли давр ичида эришган ютуқларимиз ҳақида ўйлар эканмиз, давлатимизнинг бу борда тутган йўли нақадар тўғри эканига яна бир бор

ишонч ҳосил қиламиз.

Тарихда жангу жадаллар билан мустақилликка эришган, аммо бепарволикка йўл қўйиб, ҳамжихат бўлмай, ягона мақсад йўлида бирлашмай, уни қўлдан бой берган мамлакатлар, халқлар кўп бўлган. Не бахтки, халқимиз тарихнинг бу аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб, мустақилликни, мамлакатдаги тинч-тотув ҳаётни, миллатлараро аҳил-иноқликни сақлаб қолди. Миллий маҳдудликка берилмади, жаҳон ҳамжамияти билан манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйди. Турмуш тарзимизда, онгу шууримизда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги ўз ифодасини топди.



Истиқлолни қўлга киритиш миллат учун катта бир ютуқ бўлса, уни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий асосларини яратиш, жамият ҳаётини тамомила янгидан изга солиш ва ривожлантириш, янги жамиятнинг янги аъзоларини тарбиялашдек муҳим вазифаларни худди шундай буюк ғалабага тенглаш мумкин.

Истиқлолимизнинг ҳар куни, ҳар оғи, таъбир жоиз бўлса, ҳар дақиқаси тинимсиз курашлар, изланишлар билан ўтмоқда. Ҳамма соҳани ислоҳ қилишга, мустақиллик иморатини пойдеворидан бошлаб қайта қуришга, мамлакат иқтисодини янада соғломлаштиришга, иқтисодий узилишларнинг олдини олишга, омилкорлик ва тадбиркорлик билан иш тутишга тўғри келмоқда.

Донишманд боболаримиз панду ўғитларида, давлат арбобларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида ҳар қандай миллат аҳил ва иноқ бўлмаса, ўзи кўзлаган мақсад сари интилишида бир ёқадан бош чиқариб, соғлом фикр асосида баҳамжихат ҳаракат қилмаса, масъулият ва ҳушёрли-

гини йўқотадиган бўлса, охир-оқибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши мумкинлиги такрор-такрор уқтирилган. Бундан англашиладики, “оммавий маданият” ва бошқа турли жозибали ниқобларга бурканиб, онгу шууримизга ошкора-пинҳона ёпирилиб келаётган, ҳаётини тажрибаси ҳали етарли бўлмаган ўсмирларни нишонга олаётган, асл мақсади бузғунчилик, ёшларни тўғри йўлдан чалғитиш, дунёқарашини эгаллаш бўлган хатти ҳаракатларга асло бефарқ бўлмаслик керак.

Истиқлол дарахтининг ҳар бир япроғини бегона шамоллардан асраш лозим. Бу иш билан ҳар бир киши, ёши ва касбидан қатъи назар, муттасил шуғулланиши, меҳнат фаолиятида, оила ва маҳаллада миллат тақдирига, мамлакат келажигига дахлдорлик туйғусини ҳис этиши, атрофида кечаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги керак. Бир кишининг бефарқлигидан бора-бора бир неча кишининг бефарқ ва лоқайдлиги келиб чиқади. Бу иллат жуда тез урчида. Ҳар бир кишининг огоҳлиги, куюнчақлиги ва фидойилиги эса кейинчалик умумий огоҳлик ва ҳушёрликка айланади. Биз бугун ҳаётимизда энг улуғ ва энг азиз бўлиб қолган байрамимизнинг ўттинчи йилида шу тўғрисида ўйлар эканмиз, нечоғлиқ кийин ва мураккаб йўлни босиб ўтганимизни, халқимизнинг пешонасига мустақиллик нури текканида мамлакатда, минтақа ҳудудида, дунёда қандай қалтис вазият мавжудлигини доимо ёдда тутишимиз зарурлигини ҳис этамиз.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил жорий этилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳамда “Янги Ўзбекистон” газетасининг 2021 йил 17 август сонидеда чоп этилган “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” сарлавҳали интервьюсини такрор ва такрор мутолаа қилишимиз, одамлар, айниқса, ёшлар орасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишимизда, “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида ўтаётган маънавий-тарбиявий тадбирларда улардаги хулоса ва кўрсатмаларга қатъий амал қилишимиз лозим.

Нигмонжон АЗИЗОВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Давлат ва ҳуқуқ институти бош илмий ходими,  
юримдик фанлар доктори, профессор

## ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН КУРАШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИ

**Аннотация.** Мақолада XX аср бошларида Ўзбекистон мустақиллиги учун курашда сиёсий партияларнинг туганган ўрни, таркиби, кураш усуллари ва фаолият йўналишлари таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар:** Ўзбекистон мустақиллиги, сиёсий партиялар, сиёсий партиялар фаолияти, мустақиллик учун кураш.

**Аннотация.** В статье анализируются роль, состав, методы и деятельность политических партий в борьбе за независимость Узбекистана в начале XX века.

**Ключевые слова:** независимость Узбекистана, политические партии, деятельность политических партий, борьба за независимость.

**Annotation.** The article analyzes the role, composition, methods and activities of political parties in the struggle for the independence of Uzbekistan at the beginning of the twentieth century.

**Keywords:** Independence of Uzbekistan, political parties, activities of political parties, struggle for independence.

Мамлакатимизнинг географик жиҳатдан қулай жойлашуви, савдо йўллари кесишмаларининг айнан шу ҳудуддан ўтганлиги, бой қазилма манбаларига эгаллиги кўплаб босқинчи давлатлар эътиборини тортиб келган. Натижада, эркинлик, ҳурлик қарамлик билан алмашиб турган. Тобелик йиллари мамлакатимизнинг, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиётига тўғаноқ бўлган. Шу сабабли, мустамлакачиликка барҳам бериш, ўз ҳаётини мустақил ташкил этиш, умуман мустақиллик ғоялари юртимизда илк ташкил этилган сиёсий партияларнинг фаолиятида муҳим аҳамият касб этган.

Ўзбекистон халқларининг мустақиллик учун кураш тарихи узоқ ўтмишга эга бўлиб, бунда XX асрнинг бошларида Ўрта Осиё мамлакатларида, жумладан Туркистон ўлкасида рўй берган жараёнлар натижасида сиёсий майдонга чиққан партиялар ва уларнинг мустақиллик учун кураши муҳим аҳамиятга эга.

XX аср бошлари халқларимиз учун сиёсий жиҳатдан уйғониш, ўз талаб-истаклари ҳамда эҳтиёжларини амалга ошириш мақсадида турли ташкилот, тўғарак ва жамиятларга уюшиш даври бўлди. Айнан чор Россияси мустабид тузумининг ўлкадаги бошбошдоқлиги, маҳаллий аҳолини зулм ва зўравонликда тутиб туриши, халқнинг бундай турмуш тарзига барҳам беришга интили-

ши, ўлкада турли-туман жамият ва партияларнинг вужудга келишига олиб келди.

Ўрта Осиё халқлари ўзлигини таниш, мустамлакачилик сиёсати туфайли узоқ давом этган асрий уйқудан уйғониш, ҳақ-ҳуқуқини талаб этиш, чор маъмурларининг зулми ва зўравонлигидан халос бўлиш йўлида уюшиб фаолият кўрсатиш, бу йўлда турли жамият ва ташкилотлар тузиш зарурлигини англаб етди. Ўз ҳаёти ва фаолиятини партия ва жамиятлар ишига бағишлаган Мунавварқори таъкидлаб ўтганидек: “Маданий миллатларнинг бутун тараққиёти диния ва эҳтиёжот майллари учун энг ишончли суянчиқ ва мутлақо эттеҳоз ўлинмиш ва уларда маданият нарвонининг биринчи босқичи мактаб, иккинчиси жамият экан”.

Тадқиқотчилар миллий-озодлик кураши иштирокчилари тўртта тактик усуллардан фойдаланилганлигини таъкидлайдилар: биринчидан, мустақиллик учун кўтарилган умуммиллий “босмачилик уруши”га махфий равишда ғоявий-ташкилий раҳбарлик қилиш; иккинчидан, махфий уюшган аксилкоммунистик сиёсий ташкилотларни ташкил этиб, бунга ёшларни кенг жалб этиш ва уларни тарбиялаш орқали миллат ва халққа мустақиллик руҳини сингдириш; учинчидан, совет ҳукумати ва унинг ғоявий-ташкилий асосчиси компартиянинг мустамлакачилик сиё-

1. Juridical agency “Legal NS” – Constitution of Spain – Available in URL://<https://legalns.com/download/books/cons/spain.pdf>

2. Juridical agency “Legal NS” – Constitution of France – Available in URL://<https://legalns.com/download/books/cons/france.pdf>

3. Official website of The UK Parliament. Available in URL://<https://www.parliament.uk/about/how/role/sovereignty/>

сатини демократик асосда ошкора танқид қилиш; тўртинчидан, мусулмон коммунистик партияси (фирқа) ташкилотларини расман ташкил этиб, унга ёшларни кенг жалб этиш ва бу партиянинг ўша пайтдаги яқка ҳукмронлик мавқеидан фойдаланган ҳолда миллий мустақилликни ҳамда миллат ва халқнинг манфаатларини ҳимоя қилиш.

Тадқиқотчиларнинг ушбу фикрларини маъқуллаган ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, мустақиллик учун кураш усуллари юқоридагилар билан чегараланмайди. Мустақиллик учун коммунистик партия сафида туриб кураш олиб борилганлигини (Т.Рискулов, А.Авлоний, Мунавварқори ва бошқалар), большевикларнинг зуғуми, тазйиқидан қувғинга учраб, хорижда бу курашнинг давом эттирилганлигини (А.Р.Бойсуний, А.З.Валидий, М.Чўқай ва бошқалар) ёддан чиқармаслигимиз керак.

Сиёсий партияларнинг халқлар ва давлатлар мустақиллиги масаласида тутган нуқтаи назари хилма-хил бўлган. Бу эса партияларнинг мақсади, аъзолари таркиби, қандай гуруҳ ва табақаларнинг ёки бутун халқнинг манфаатларини ифодалаши билан боғлиқдир.

Маҳаллий сиёсий партиялар дастурлари таҳлили шундан далолат берадики, большевиклар ўлкада ҳокимиятни зўравонлик йўли билан қўлга киритгунига қадар ва дарҳол ундан кейин ҳам қурол воситасида мамлакат мустақиллигини таъминлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўймаганлар. Профессор Р.М.Абдуллаевнинг ҳақли равишда таъкидлаганидек, ўша давр маҳаллий сиёсий партияларнинг дастурий ҳужжатларида, мусулмон съездлари қарор ва резолюцияларида, мустақиллик ҳаракати иштирокчиларининг чиқишлари ва нашрларида зўрлик ишлатиш ва русларга қарши қуролли қўзғолон кўтариш тўғрисидаги чақириқлар учрамайди.

Туркистон сиёсий партияларининг фаолиятини мунтазам кузатув остига олган ўлка кўриқлаш бирлашмаси хуфия агентларининг маълумотларида, ҳатто 1917 йил сентябрь воқеалари даврида ҳам, Туркистонни Россиядан тўлиқ ажратиб олиш, мустақил давлат барпо этиш гоёси илгари сурилса-да, “рус ҳокимиятига қарши ташкилий қуролли қўзғолон кўтариш эҳтимоли жуда кам эканлиги” таъкидланган.

Туркистонни Россиядан ажратиб, мустақил давлат барпо этишда қурол кучига таяниш ёки бошқа тарздаги зўрлик ишлатиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сиёсий партиялар томонидан мазкур масалага ёндашув тадрижий равишда ўзгариб борган. Шуниси муҳимки, сиёсий партияларнинг етакчи

ва раҳбар кучлари саналган жадидлар мазкур муаммони ҳал этишда ҳар қандай даражадаги зўрлик ишлатиш, қурол кучига таянишни аввал бошданок рад этганлар. Уларнинг фикрича, мавжуд ҳокимиятга қарши қуролли қаршилик кўрсатиш, давлатчилик устунларига путур етказди, ўлкага улкан фалокат, тартибсизлик, бошбошдоқлик келтиради. Шунинг учун улар мамлакат ҳукумати олдига талаблар қўйиб, жамият ҳаётини қонунлар чиқариш йўли билан ислоҳ этиш гоёсини ёқлаб чиққанлар.

“Шўрои ислом” ва “Турк адами марказияти” партиялари 1917 йил сентябрь воқеаларидан кейин мамлакат мустақиллиги тўғрисидаги масалани илгари суради. Туркистон ўлкаси кўриқлаш бошқармасининг хуфия агентлари бу тўғрисида маълумот етказиб келганликлари манбаларда сақланган. Унга кўра, бу партияларнинг вакиллари яширин мажлисларда Туркистонни Россиядан тўлиқ ажратиб олиш, миллий ҳукуматни тиклаш ва мустақил давлатчилик барпо этиш тўғрисидаги масалаларни муҳокама этганлар.

Халқ комиссарлари советининг бутун ҳокимиятни Туркистон муваққат ҳукумати қўлига тўлалигича топшириш талаби ўлкада яқка ҳокимият ўрнатмоқчи бўлган большевикларни жиддий саросимага солиб қўйди. Шу боисдан улар Туркистон мухториятини йўқ қилиш мақсадида ҳарбий тажовузни ишга солишга қарор қилди. Большевиклар арман дашноқларидан фойдаланиб, Қўқон, умуман водийда қирғин ўтказди. Натижада истиқлолчиларга қарши кураш ниқоби остида тинч аҳолидан 35 минг киши қириб ташланди, мол-мулки талон-торож қилинди.

Профессор С.Аъзамхўжаев таъкидлаб ўтганидек, совет ҳокимияти Туркистонда, аввало марказ Петербургда эълон қилинган эркинлик, озодлик, мустақиллик гоёларига зид равишда Ўрта Осиё халқларини мустамлакачилик кишанларида тутиб туришни, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаб мухторият тузишга қаратилган ҳаракатини қурол кучи билан бостириш йўлини тутди. Жумладан, 1917 йил 27 декабрь куни Туркистон умуммусулмон съезди томонидан Петроград Халқ комиссарлари советига йўлланган телеграммага жавобан, миллатлар ишлари бўйича комиссар И.Сталин Қўқондаги Туркистон ҳукуматида берган кўрсатмасида мазкур ҳокимиятни (Туркистон мухториятини – А.Н.) куч билан йўқотишни таклиф қилган.

Большевиклар партияси томонидан узоқ муддат давом этган мустамлакадан сўнг қўлга киритилган миллий мустақил давлатчилик тузилмаларининг қурол кучи билан аёвсиз бостирили-

ши Чор Россиясининг Туркистонда 1916 йилда қўзғолон кўтарган ўлка халқларига нисбатан тутган босқинчилик сиёсатининг давоми бўлди. Бу эса, большевиклар ҳукуматининг тутган сиёсати, улар томонидан эълон қилинган тенглик, эркинлик, халқларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисидаги шиорлари қуруқ сафсата, ниқоб эканлигига сиёсий партия асосчиларининг ишонч ҳосил қилишларига олиб келди. Шу муддатдан бошлаб улар Туркистон ўлкасини совет Россияси таркибидан ажратиб олиш, мустақил давлат барпо этиш йўлини тутдилар.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби Аҳмад Заки Валидий томонидан 1921 йилда “Жадид тараққийпарварлар партияси”нинг 19 банддан иборат дастури ишлаб чиқилган. Дастурда Туркистон ўлкасининг мустақиллиги масаласи марказий ўрин эгаллаган. Унинг 1-моддасида: “Ўз миллий маданиятига эга бўлиб, мустақил миллат сифатида яшаш ҳаётнинг асоси бўлмоғи керак. Бу эса барча миллатларнинг орзусидир. Мақсадимиз Туркистонни мустақил қилиб, миллий ҳукумат тузишдан иборат. Миллат–тил, дин, маданият, адабиёт, урф-одатлар бирлигига асосланади”, деб кўрсатилган.

“Туркистон Миллий Бирлиги”нинг 1922 йил Тошкентда яширин тарзда ўтган VII конгрессида “Туркистоннинг миллий талабларини чет эллардаги жамоатчиликка етказиш зарурлиги” ҳақида қарор қабул қилинган. Қарорга кўра, хорижда М.Чўқаев ва Аҳмад Заки Валидийлар томонидан 1924 йилда “Туркистон Миллий Бирлиги”нинг хорижий кўмитаси тузилган. Аҳмад Заки Валидий ва М.Чўқаевга Туркистон ҳақидаги ҳақиқатни ёзиб, жаҳон жамоатчилигига етказиш вазифаси топширилган.

Туркистон, кейинчалик бутун Ўрта Осиёда мустамлакачиликка барҳам бериб, ягона мустақил давлат барпо этиш масаласи, ўлкада большевиклар ҳокимияти зўрлик билан ўрнатилгандан кейин вужудга келган “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол” каби партиялар фаолиятида мазкур масала марказий ўрин эгаллайди. “Иттиҳодий тараққий”, “Иттиҳодий миллий” ва “Миллий истиқлол” аслида бир ташкилот бўлган, улар сиёсий вазият ва зарурият нуқтаи назаридан давр талабига кўра номини ўзгартириб, бир мақсад–миллий руҳ, ҳис-туйғу, юрт мустақиллиги учун курашган. Бу мақсадга эришиш учун жадидлар реал тарихий омилларни ҳисобга олиб, ишонч билан ҳаракат қилганлар”.

“Жадид яширин ташкилотлари мустақилликка эришишнинг асосий йўлларида бири ҳукумат ва бошқа давлат корхона, идора ва муассасала-

ри раҳбар кадрларни маҳаллий кадрлар билан алмаштиришдан иборат деб билди. Шунинг учун ҳам улар комфирқанинг маҳаллийлаштириш сиёсатидан кенг фойдаланишга қарор қилдилар. Жадидлар ҳукумат идораларини маҳаллийлаштириш билан ҳокимиятни қўлга олмоқчи бўлдилар. Шунинг учун ҳам “Миллий истиқлол” марказида махсус тузилган “учлик” маҳаллийлаштириш билан шуғулланди. Унинг бири ҳукуматнинг маҳаллийлаштириш комиссияси билан яқиндан алоқада бўлди. Иккинчиси, матбуот редакцияларида, учинчиси эса ҳукумат муассасаларида ишлаб ўзларига яқин миллий руҳдаги кишиларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга, ҳар хил идора ва матбуот органларида ишлашига ёрдам берди”.

Мамлакат мустақиллигини таъминлашда миллий онг ва руҳни юксалтириш, ўзликни англаш муҳим эканлигини партия асосчилари жуда чуқур тушунганлар. Шу сабабли халқ орасида миллий руҳ ва ватанпарварлик ғояларини кенг ёйишни ўз фаолиятларининг устувор йўналиши сифатида билганлар. Бу тўғрисида Мунавварқори шундай ёзган: “Миллий чегараланиш миллатчилик майлларининг кучайишига туртки бўлди. Бизлар миллатчиликнинг ўсишини ҳамма жабҳаларда – оммада ҳам, матбуотда ҳам, адабиётда ҳам, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳасида кузатиб турдик. Бу ҳолатдан бизлар миллийликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланишга азму қарор қилдик...”

Тошкентдаги газета ва журналларнинг редакцияларида ҳамда адабиётда Ғози Юнус, Жулқинбой (А.Қодирий), Санжар, Элбек каби миллий зиёлилар катта роль ўйнаши билан бирга, салмоқли таъсирга эга эдилар. Гапнинг қисқаси, матбуотда миллий таъсир коммунистик таъсирдан кучли эди. Масалан, Ғози Юнус очикдан-очик ёзса, бошқалар ўз миллий ғояларини инқилобий сўзлар остига олган ҳолда, эҳтиёткорлик билан ёзади”.

Туркистон халқларининг ўз эркини қўлга киритиши ва давлат мустақиллигини таъминлаш масаласига “Эрк” сиёсий партияси дастурида муҳим ўрин ажратилади. Унда таъкидланганидек, фақат сиёсий мустақилликка Туркистон аҳолисини ўз кучини мамлакатни маданий-иқтисодий ривожланишига сарф қилиш имконини беради.

Партия дастурида социал-демократлар ғоялари таъсири остида эзувчи ва эзилувчи миллатлар, синфлар, халқларнинг уюшган ҳолда мустамлака тузумига барҳам бериши, меҳнаткашлар синфи ўз мақсадларига эришиш учун синфий раҳбарлигини сақлаб қолиши, маҳаллий зиёлилар ўз ортларидан халқ оммасини эргаштирмасдан, мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатла-

ридаги буржуазия ўз синфий моҳиятини англаб, синфий манфаатларини очикдан-очик ҳимоя қилаётганлиги, Озарбайжон, Туркистон ва Осиёнинг қатор мамлакатларида майда буржуа демократик гуруҳлари социалист ва буржуазия ўртасида иккилана бориб, инқилобдан сўнг синф сифатида шаклланаётганлиги кўрсатилади. Ушбу фактлар мазкур мамлакатлардаги миллий уйғонишнинг белгиси ҳисобланиб, инқилоб даврида социализм ғоясини эгаллаган Туркистон зиёли ёшларини ва меҳнаткашлар ҳамда ишчилар синфининг илғор вакиллари алоҳида социалистик партияга бирлашишини зарур қилиб қўяди.

“Эрк” партияси дастурида большевиклар партиясининг Туркистондаги фаолияти чор Россияси ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатидан фарқ қилмаётганлиги кескин танқид қилинади. “Буржуазиядан ҳокимиятни мерос тариқасида олган метрополиялардаги пролетариатнинг авлодлари, мустамлакаларнинг ҳуқуқларини расмий тан олишига қарамасдан, амалда ўз буржуазияси амалга оширган ишларни давом эттирмақдалар ва шу сабабли маҳаллий меҳнаткашлар кўз ўнгиде метрополиянинг социалистлари буржуазиядан ҳам ёмон отлик бўлиб қолмоқдалар, мустамлакаларнинг озодлиги ҳақида илгари сураётган шиорлари улар билан рақобатда бўлган империалистик мамлакатларнинг мустамлакалари фойдасига тарғибот воситаси бўлиб қолмоқда”.

Дастурда, Туркистон совет ҳокимиятининг маҳаллий социалист ва пролетариатга нисбатан ишончсизлик билдираётганлиги, буни “дунё империализмига қарши ягона фронт” деган шиор билан ниқоблаётганлиги, мустамлакаларда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун мустамлака сиёсатини янада такомиллаштирганлиги, ассимиляция ва иқтисодий ҳукмронликни ўрнатаётганлиги, ўлкада алоҳида миллий социалистик-коммунистик партияларни мавжуд бўлишига, умумий коммунистик партиялар таркибида миллий фракцияларни ташкил этишга йўл қўймаётганлиги яққол очиб берилди.

Туркистон ўлкасининг мустақиллигини таъминлаш масаласи коммунистик партия сафида бўлган миллий зиёлилар томонидан ҳам олиб борилганлиги алоҳида эътиборга сазовордир. Улар ўлкада ҳокимиятни қўлга киритган партия сафларида турли оқим ва фракциялар ташкил этган ҳолда маҳаллий халқларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, большевикларнинг ўзбошимчилигига барҳам бериш, “босмачилик” деб аталган ҳаракат билан алоқа ўрнатиш, улардан зарур ҳолларда қуролли қўшин сифатида фойдаланишга интилганлар.

Жумладан, 1919 йил март ойида маҳаллий коммунистлар талаби билан ўлка Мусулмонлар бюроси тузилган. Ўлка Мусулмонлар бюроси кенгашларида Фарғонада озодлик кураши иштирокчиларига нисбатан большевиклар томонидан ўта шафқатсизлик билан муносабатда бўлиш, тинч аҳолига нисбатан талончилик ва оммавий қирғин ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги муҳокама қилиниб, қатор қарорлар қабул қилинган. Туркистон ҳукуматидан уларни тасдиқлаш ва амалга ошириш талаб қилинган. “Бу қарорларда Фарғонада совет ҳукумати номидан ва буйруғи билан жинояткорона фаолият олиб борган дашноқларни қуролсизлантириш, совет муассасалари ва партия ташкилотларидаги мустамлакачиларни ҳайдаш, Қизил Армия қўшинларининг талончилиги, зўравонлигига чек қўйиш, ҳукуматга қарши курашаётган тўдаларнинг иштирокчиларига умумий афв эълон қилиш ва уларнинг тўла хавфсизлигини кафолатлаш, вайрон бўлган хўжаликларни тиклашга моддий ёрдам бериш, бу ишларни амалга ошириш учун Фарғонага махсус комиссия жўнатиш каби чора-тадбирлар қўллаш талаб қилинган”!

Туркистон Ўлка Мусулмон бюросининг 1919 йил март ойида Фарғона вилояти аҳолисига “Мурожаатнома”сида халқнинг совет тузумига қарши кураш сабаблари қуйидагича кўрсатилади: “... кураш миллий зулм ва бир миллатнинг бошқа миллатни эзиши замирида авж олиб кетди. Фарғонада йўл қўйилаётган, пировардида бутун Туркистон аҳолиси учун машъум оқибатлар келтирадиган бебошликлар мусулмон аҳлини совет ҳокимиятидан бездирмоқда... Фарғона воқеаларининг авж олишига олиб келган яна бир сабаб-ҳамма ерда, айниқса, Фарғона ҳукумати таркибига, советлар, комитетларга кириб олган ўғри, жиноятчи, эски амалдорлардан иборат шахслар халқ манфаатини эмас, ўз чўнтақлари манфаатини кўзлайдилар, пора оладилар, бебошликлар қиладилар, ҳукуматдаги лавозимдан фойдаланиб ўзгаларнинг пул ва буюмларини эгаллаб олдилар. Қизил Армияда ҳам худди шундай бўлди, унинг сафларида ҳам тинч аҳолини азоб-уқубатга солган зараркунандалар жуда кўпдир”.

Умуман олганда, Туркистоннинг мустақиллигини амалда таъминлаш, ўлкада фаолият кўрсатган барча маҳаллий партияларнинг бош мақсадини ташкил этиб, улар коммунистик партиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашнинг барча воситаларини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаганлар.

**Ботирбек СОБИРОВ,**

Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари  
институтини етакчи илмий ходими

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЁШЛАР ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Менинг энг катта ишонган кучим, давлатимизнинг энг катта бойлиги – бу ёшлар<sup>1</sup>.

**Ш.Мирзиёев**



Ёшлар келажак эгалари!

Айнан улар жамият ва давлат ҳаёти, тақдири, истиқболи қандай бўлишини ҳал қилувчи, ҳар нафасида, ҳаракатида навқиронлик, шижоат уфуриб, яратувчанлик билан янгиликларга интилиб яшовчи авлод ҳисобланади. “Учинчи Ренессанс” даврида “Янги Ўзбекистон”ни барпо этишда ҳам ёшлар асосий куч саналади. Таъкидлаш лозимки, мустақилликка эришганимиздан сўнг ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди, айниқса, охириги беш йилликда бу масала давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Сир эмас, ёшлар сўнмас шижоат ва бунёдкорлик салоҳиятига эга қатламдир. Ўзларидаги бу ноёб хислатларни рўёбга чиқариш учун, аввало, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ

ва манфаатлари кўзланган ҳимояни шакллантириш, фикр эркинлигига эришиш, ўз режаларини амалга оширишларига ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига замин яратиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ёш авлодни фаол фуқаролик позициясига эга, ислоҳотларга бефарқ бўлмаган, ўз сўзини айта оладиган ва ўз мақсади ва ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқбузарликка қарши мурасасиз кураша оладиган, серғайрат, ватанпарвар, садоқатли, баркамол авлод этиб тарбиялаш – Ўзбекистоннинг олий мақсадларига эришиши ва жаҳон ҳамжамиятида энг ривожланган давлатлар сафидан мустаҳкам жой эгаллашида бирламчи омил бўлиб хизмат қилади.

Шу боисдан ҳам, бу масалага алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Бинобарин, Ш.Мирзиёев-

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 30 июнь куни бўлиб ўтган “Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форуми”даги нутқидан. <https://president.uz/uz/lists/view/4462>

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда.

нинг Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажариб турган дастлабки кунларида биринчи имзоланган қонун ҳужжати – “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун эканлигида ҳам рамзий маъно бор. “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам ушбу масалага алоҳида урғу берилган. Жумладан, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш; ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш; ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш; ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш; ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш каби устувор вазифалар белгиланди.

Эртамиз эгаларининг таълим-тарбияси, соғлиғи, ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигига катта аҳамият қаратилди, уларни билимли, юрт қорига дахлдорликни теран англайдиган ва халқ дардини ўз зиммасига олишга қодир бўлган ҳар томонлама етук кадрлар сифатида шакллантириш учун қулай шароит ва имкониятлар ҳамда уларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминловчи қонунчилик базаси яратилди, бу соҳада бевосита фаолият олиб борадиган ваколатли давлат ва нодавлат ташкилотлари ташкил этилди. Чунончи, 2017 йил 30 июнда бўлиб ўтган Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурлтойи қарори билан унинг ўрнида Ўзбекистон

ёшлар иттифоқи фаолият бошлади. Бу сана эса республикада “Ёшлар куни” деб белгиланди. 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб этиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус бу борада янги босқични бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар бир палатаси ҳузурида асосий мақсади ёшларнинг фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бу борадаги назарий билим ва амалий кўникмаларини бойитиш, уларни қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёнига жалб этиш, қабул қилинаётган қонунларни кенг тарғиб қилиш орқали парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишдан иборат бўлган алоҳида тузилма “Ёшлар парламенти” ташкил этилди. Бу билан ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда амалиётда таъминлаш борасида мутлақо янги тизим фаолият бошлади. Ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш, соҳадаги муаммоларга ижобий ечим ишлаб чиқиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, бу орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалда тўла таъминлашга эришиш мақсадида янги давлат ташкилоти – Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди. Ишсиз ёшларга ғамхўрлик қилиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш масаласи асосий ўринга чиқди. Хусусан, 2020 йил 20 августда мутлақо янги тизим, тартиб ва ёндашувлар асосида иқтисодий фаолликни ошириш ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарга қўшимча захира яратиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлат бошлиғи томонидан қўйилган долзарб вазифалар асосида ишсиз ёшлар бўйича алоҳида “Ёшлар дафтари” шакллантирилди. Банд бўлмаган ҳар бир ёш билан янги тизим ва тартибда манзилли ишлаш, бу

3. <https://yoshlarittifoqi.uz/menu/ustav-1>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон фармони, <https://www.lex.uz/acts/3255680>

5. <https://president.uz/uz/lists/view/2437>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон фармони, <https://lex.uz/docs/4880189>

7. [https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ozbekiston-yoshlari-forumida-sozlagan-nutqi\\_197662](https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ozbekiston-yoshlari-forumida-sozlagan-nutqi_197662)

8. “Халқ сўзи” газетасининг 2020 йил 30 декабрдаги 276-сони. – Б. 1-4.

орқали уларни бугунги кунда талаб юқори даражада бўлган касблар ва тадбиркорликка ўқитиш, шу асосда ўз бизнесларини бошлашда молиявий кўмак бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 декабрдаги Ўзбекистон ёшлари форумида ҳамда 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва халқимизга Мурожаатномасида ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича белгилаб берган устувор вазифалари бу борадаги ишлар суръати ва натижадорлигини янада юқори даражага кўтарди. Бу йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинган ҳам ёшларга бўлган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир. Шунингдек, шу йил 18 январда Ҳукуматимиз томонидан “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси” ва уни 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Эришилган натижаларни инобатга олган ҳолда 2023 йилдан бошлаб ҳар йили тасдиқланадиган тегишли “йўл хариталари” асосида ушбу концепцияни босқич-ма-босқич амалга ошириш белгилаб қўйилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмидаги маълумотларга кўра, амалий ишлар натижасида ўтган йиллар давомида 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, 500 мингдан ошгани, биргина охириги 8 ой ичида “Ёшлар дафтари”га кирган 430 минг нафар йигит-қизларнинг муаммолари ҳал этилиши учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилганлиги, жумладан “Темир дафтар”даги оила фарзандлари бўлган 2 мингдан зиёд талабанинг контракт пуллари тўлаб берилганлиги, бу йил 92 минг нафардан ортиқ ўғил-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2 триллион 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилгани, ҳудудларда ташкил этилган 186 та Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналаридаги 3 мингта лойиҳа доирасида 50 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилганлиги ҳам жамиятимизда ёшлар сиёсатига бўлган юксак эътибор ва бемисл ғамхўрликнинг яққол ифодасидир.

“Ёшлар куни” муносабати билан ўтказилган Ёшлар ва талабалар форумида Президент Ш.Мирзиёев томонидан янгидан янги ташаббус ва ҳаётбахш ғоялар илгари сурилди. Жумладан,

сиёсий жараёнларда фаол ёш йигит-қизларининг олий ва маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш, халқ депутатлари кенгашлари тавсияси асосида ғайратли, фидойи ёшларимиз Олий Мажлис депутатлари ва сенаторларига бириктириб қўйилади. Маҳаллий кенгашларда ҳам Сенат ва Қонунчилик палатасидаги сингари ёшлар парламенти вакиллари мактаби ташкил этилади. Бу каби илғор ғоялар айнан ёшларимиз аниқ режалар асосида фаолият юритиши ва келажагимиз эгаларининг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада оширишга хизмат қилади. Мустақилликнинг ёшлар ҳаётидаги кадр-қиммати, ўрни ва аҳамияти ҳақида яна кўп-кўп мисоллар келтиришимиз мумкин. Биз юқорида келтирилган қисқача маълумотлар орқали юртимизда ёшлар манфаатлари борасида амалга оширилаётган фаолият кўламига умумий назар солдик, холос.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда аллақачон, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, Ватанимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор ёшларни тарбиялаш борасида мустаҳкам тизим шаклланди. Глобаллашув шароитига тез мослашувчан, ҳар соҳада ва замоннинг шиддат билан ривожланиш маромига рақобатбардош бўлган, ҳар томонлама истеъдодли кадрларнинг янги авлодини тарбиялаш олий мақсадга айланди. Бу борада таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, спорт ҳамда бошқа соҳалардаги ислохот ва чора-тадбирларнинг тенг ва узвийликда олиб борилаётганлиги, янги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, замонавий IT-парклар, маданият муассасалари ва спорт иншоотлари ташкил этилгани, бундан ташқари, “Президент мактаблари”, “Темирбеклар мактаби”, “Ижод мактаблари” каби мутлақо янги намунадаги билим масканлари фаолият бошлагани, қўйингки, ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилаётган амалий ишларнинг барчаси кўзлаган олий мақсадларимизга эришиш учун хизмат қилади. Зеро, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи – халқ, халқнинг бирдан-бир манбаи эса ёшлардир.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 18 январдаги 23-сон қарори, <https://lex.uz/docs/5234746>

10. <https://president.uz/uz/lists/view/4461> (манбадаги маълумотлар 2021 йил 30 июнь ҳолатига)

11. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekistondagi-faol-yoshlar-deputat-va-senatorlarga-biriktiriladi>

Лазиза НИЁЗОВА,

Қонунчилик муаммолари ва парламент  
тадқиқотлари институти етакчи илмий ходими

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ СУДЛАР ТОМОНИДАН Қўлланилишининг Ҳуқуқий Асослари

**Аннотация.** Мазкур мақолада халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ нормаларини судлар томонидан қўллаш амалиётини жорий этиш ва такомиллаштириш, шунингдек, суднинг нуфузини халқаро миқёсда мустаҳкамлаш масалалари баён этилган.

**Калит сўзлар:** халқаро ҳуқуқ нормалари, инсон ҳуқуқлари, суд, халқаро стандарт.

**Аннотация.** Данная статья отражает позицию автора о безусловном приоритете норм международного права, внедрении и совершенствовании механизмов применения международного права судами, а также о необходимости укрепления авторитета судебной власти на международном уровне.

**Ключевые слова:** нормы международного права, права человека, суд, международные стандарт.

**Annotation.** This article presents the issues of priority of the norms of international law, the introduction and improvement of the practice of applying the norms of international law by courts, as well as strengthening the authority of the court at the international level.

**Keywords:** norms of international law, human rights, court, international standards.

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро ҳуқуқнинг устуворлик принципини мамлакат Конституцияси ва қонунларида ифода этган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасидаёқ Ўзбекистон халқи халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиши кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилганидан бошқа турли қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, фаолият давомийлигида уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузалар тақдим этиб келинмоқда.

Шу ўринда, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаси тушунчаси хусусида тўхталиб ўтишимиз жоиз. “Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги Вена конвенцияси (1969 йил 23 май)нинг 53-моддаси мазмунига кўра, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаси деганда “давлатлараро муносабатларни тартибга

солувчи, давлатлар томонидан яқдиллик асосида қабул қилинган ва тан олинган, давлатлар ёки халқаро ҳуқуматлараро ташкилотларнинг мажбурлов кучи таъминланадиган нормалар”<sup>1</sup> тушунилади. Рус олими И.И.Лукашукнинг фикрига кўра эса, “кўплаб давлатларда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари деганда аксарият мамлакатлар томонидан тан олинган халқаро ҳуқуқнинг умумий принциплари ва нормалари тушунилади”<sup>2</sup>. Фикримизча, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари деганда барча миллий ҳуқуқий тизимлар учун тегишли бўлган, олий юридик кучга эга умуммажбурий нормалар тушунилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги ва унинг муайян мамлакат миллий ҳуқуқ тизимида тутган ўрни мазкур нормаларни давлат органлари, аввало, судлар томонидан бевосита қўлланилиши билан боғлиқ. Чунки судлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминловчи асосий орган ҳисобланади. Жумладан, “Ҳуқуқнинг устуворлиги ва барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Йоханнесбург принципларида “миллий, минтақавий ёки универсал даражада одил судлов фаолиятини олиб борувчилар халқаро ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро мослигини, имплементациясини ҳамда ижро этилишини таъминлашда ҳал қилувчи ўринда туради. Судьялар миллий ҳуқуқ доирасида халқаро шартномаларни тўғридан-тўғри қўллашга ўтишлари лозим”<sup>3</sup>, деб белгиланган. “Судьяларнинг хулқ-атворида оид Бангалор принциплари”да эса

1. <https://www.lex.uz/docs/2646414#2646869>

2. Лукашук И.И. Международное право в судах государств / И. И. Лукашук. –СПб.: “Россия-Нева”, 1993.-301 с.134-135

судья инсон ҳуқуқлари бўйича нормалар мустаҳкамланган халқаро қонунчиликдан, хусусан, халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлардаги ўзгаришлардан доимо хабардор бўлиб боришлари зарур эканлиги акс этган<sup>4</sup>.

Шу билан бир қаторда, суд-ҳуқуқ ислохотларига кенг йўл очилган ва ҳамон бу ислохотлар давом этиб бораётган бир даврда миллий қонунчилигимизда ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларини судлар фаолиятида қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда шартномавий кўмиталарнинг хабарларини кўриб чиқиш юзасидан қарорларнинг бажаришининг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш лозимлиги айтиб ўтилди. Халқаро ҳуқуқ принциплари, нормалари ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кенг қўлланилиши, халқаро ҳуқуқ устуворлиги принципини амалга оширишнинг самарали механизмининг яратиш Миллий стратегияни амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги ҳам жуда аҳамиятлидир.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилаётган ҳамда халқаро норма ижодкорлигининг фаол иштирокчиси ва янги халқаро шартномаларнинг ташаббускори сифатида майдонга чиқаётган бир пайтда судларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш борасидаги амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш, ўрганишлар натижасида ишлаб чиқилган таклифларни амалиётга жорий этиш, судларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарур. Шу ўринда ҳақли савол туғилади, судлар фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш орқали нимага эришилади? Бунга қуйидагича жавоб беришимиз мумкин: Халқаро ҳуқуқ нормаларининг судлар фаолиятида қўлланилиши билан, аввало, конституциявий принцип амалиётга жорий этилади, қолаверса, қонунларга риоя қилиш йўлида муҳим қадам ташланади. Чунки Асосий қонунимиз ва ушбу қонунларда халқаро ҳуқуқ норма-

ларининг устунлиги, зиддият юзага келган ҳолатларда халқаро ҳуқуқ нормалари устувор аҳамият касб этиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг “*pacta sunt servanda*” тамойилига ҳамда БМТ Уставининг 2-моддаси ва “Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги Вена конвенциясининг 26-моддасида белгилаб қўйилган қатъий қоидаларга мувофиқ Ўзбекистон халқаро шартномаларга аъзо бўлар экан, ҳар бир шартнома унинг учун мажбурий ва ушбу шартномаларнинг амалиётда юритилиши баробарида ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларини виждонан бажариши шартлигини тан олади. Халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий ҳуқуқий тизимда қўллаш орқали мамлакат мазкур шартномаларда иштирок этиш орқали ўзига олган халқаро мажбуриятларини бажаради.

Қолаверса, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятини таъминлашнинг механизмларини тартибга солишга ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишдаги ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, халқаро ҳуқуқ нормалари орқали суд қарорларининг асосланиши уларнинг самардорлигини оширади, судьянинг қарорда келтирилган масалага халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳам ёндашганлигини кўрсатиб беради.

Хусусан, процессуал қонунчилик нуқтаи назаридан, судлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларини суд ҳужжатларида қўллаш орқали қуйидагиларга эришиш мумкин:

миллий қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш;

миллий қонунчилик нормаларини халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойилларига мувофиқлигини кўрсатиш;

вужудга келган ҳуқуқий коллизияларни бартараф этиш,

суд қарорида қўлланилаётган нормаларни халқаро ҳуқуқий изоҳлаш;

суд қарорини халқаро-ҳуқуқий манбаларга ҳавола қилиш орқали асослаш ва унинг қонунийлигини мустаҳкамлаш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларини судлар томонидан қўлланилиши фуқроларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, суд қарорларининг асослилигини таъминлашга, суднинг нуфузини халқаро миқёсда мустаҳкамлашга хизмат қилади.

3. Johannesburg Principles on the Role of Law and Sustainable Development // Zanger, 2002. – №9. – P.9-11

4. “Судьялар, адвокатлар ва прокурорларнинг мустақиллиги, жавобгарлигига доир халқаро тамойиллар”

5. 1-сонли амалий қўлланма// International Commission of Jurists P.O. Box 91 33 Rue des Bains CH-1211 Geneva 8 Switzerland

**Абдумумин Юлдашов,**

Тошкент давлат юридик университети

Интеллектуал мулк ҳуқуқи кафедраси доценти в.б., ю.ф.ф.д.

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ ТИЗИМИДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

**Аннотация.** Мақолада муаллифлик ҳуқуқи объектларидан телекоммуникация тармоқлари тизимида фойдаланишда унинг муҳофазасини таъминлаш масалалари ҳақида сўз боради. Шунингдек, мақолада бу йўналишдаги жаҳон тажрибаси, БИМТнинг “интернет шартномалари” ўрни, интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясининг техник воситалари ҳамда Ўзбекистон қонунчилиги нормалари ва амалиёти ҳақидаги фикрлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** муаллифлик ҳуқуқи, телекоммуникация тармоғи, интернет, техник восита, БИМТ, халқаро шартнома, ҳуқуқий ҳимоя, мутлақ ҳуқуқ.

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы обеспечения защиты авторских прав при использовании их в системе телекоммуникационных сетях. Также, в статье описывается мировой опыт в данной сфере, в частности, роль “интернет-договоров” ВОИС, технических средств защиты авторских прав в Интернете, а также законодательные акты и правоприменительная практика Узбекистана.

**Ключевые слова:** авторское право, телекоммуникационная сеть, интернет, техническое средство, ВОИС, международный договор, правовая защита, эксклюзивное право.

**Annotation.** The article deals with the issues of ensuring copyright protection when using them in system of telecommunications networks. The article also describes the world experience in this area, in particular, the role of WIPO's “Internet contracts”, technical means of copyright protection on the Internet, as well as legislative acts and law enforcement practice of Uzbekistan.

**Keywords:** copyright, telecommunication network, internet, technical resources, WIPO, international treaty, legal protection, exclusive rights.

Интеллектуал мулк объектлари муҳофазасини таъминлаш билан бирга уларни самарали ҳимоя қилиш механизмларини йўлга қўйиш ва амалга ошириш ҳамда бу йўналишдаги амалиётни такомиллаштириш давр талабидир. Зеро, бугунги кунда инсоннинг ахборот ва маълумот олишга бўлган эҳтиёжи ҳар қачонгидан ҳам юқори даражага чиққан. Айниқса, телекоммуникация тармоқларининг кенг ривожланиши натижасида бу билан боғлиқ жараёнлар янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумки, муаллифлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга. Назария ва амалиётга кўра асарлардан фойдаланиш ҳамда уларни фуқаролик муомаласига бошқача тарзда киритиш бўйича назоратнинг ҳуқуқий механизмлари сифатида шартнома асосида бошқариш ва асарларни ҳимоялашнинг техник усулини киритиш мумкин. Интернет тармоғининг кенг тараққий этиши натижасида муаллифлик ҳуқуқи объектларидан рuxсатсиз тарзда фойдаланиш ҳолати кескин равишда ошиб кетганлиги барчага аён. Биз интернетни бугунги кунда инсон ҳаётини енгиллаштиришга қаратилган восита деб билган ҳолда унинг бир қатор салбий жиҳатларини ҳам айтадиган бўлсак, ундан келадиган энг кўп “за-

рар” муаллифлик ҳуқуқи (адабиёт ва ноширлик, мусиқа ва театр, кино, радио, телевидения, фотография асарлари, ЭҲМ ва маълумотлар базалари, визуал ва график ишлар, реклама хизматлари) йўналишида эканлигини кўришимиз мумкин. Маълумки, барча турдаги телекоммуникация тармоқларининг асосий вазифаси ахборотни етказиб беришда ифодаланиб, бунда асосий ўринни албатта интернет тармоғи эгаллайди. У.В.Зининага кўра, интернет тармоғидаги интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш муаммоси куйидаги сабабларга кўра мураккаб ҳисобланади:

биринчи, ҳуқуқбузарликлар нафақат интернетда, балки, хусусан, мобиль ва радио телефон тармоқларини ўз ичига олган бошқа ахборот ва телекоммуникация тармоқларида ҳам содир бўлади;

иккинчи, интернет тармоқларидан фойдаланган ҳолда куйидаги турли хил ҳуқуқбузарликлар содир этилади:

плагиат;

интеллектуал мулк ҳуқуқлари объектларининг ноқонуний савдоси;

онлайн-дўконлар орқали контрафакт маҳсулотлар билан савдо қилиш;

учинчи, интеллектуал мулкнинг турли объектлари ҳуқуқбузарликлар объекти сифатида баҳоланиши мумкин;

тўртинчи, ҳуқуқбузарликлар трансмиллий характерга эга ҳисобланади;

бешинчи, кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарликлар кўпинча қуйидаги бошқа хавфли ҳаракатларни юзага келтиради:

зарарли (хавфли вирусли) дастурларнинг тарқалиши;

шахсий маълумотларни қайта ишлаш қоидаларини бузиш;

спам дастурлар ва файлларнинг тарқалиши ва бошқалар<sup>1</sup>.

Ҳимоянинг техник воситалари – бу дастурий қурилмалар ёрдамида электрон ҳужжатлардан фойдаланиш ва фойдаланишни назорат қилиш учун мўлжалланган. Кўпинча ҳимоянинг техник воситалари нусха кўчиришнинг олдини олиш ёки чеклаш учун ишлатилади. Ҳимоянинг техник воситалари турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. DVD дискларни такрорловчи мосламага ҳудудий кодланмаган дунёнинг бошқа ҳудудда ишлаб чиқарилган дискларнинг ишласмаслиги ёки лицензияли контентдан юклаб олинган мусиқани учинчи қурилмаган ёзиб олинмаслиги бунга мисол бўлади. Кўпинча “ҳимоянинг техник воситалари” атамаси ўрнига “электрон ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқларни бошқариш” тушунчаси қўлланади<sup>2</sup>.

Муаллифлик ҳуқуқи объектларини техник воситалар орқали ҳимоя қилиш ҳозирги кунда ҳар доимгидан кўра муҳим аҳамият касб этади. Зеро, экспертларнинг таҳлилига кўра, 2022 йилга келиб рақамли муҳитдаги “қароқчилик” натижасида етказилмаган зарар миқдори 856 млрд АҚШ доллари етиши кутилмоқда<sup>3</sup>. Шунинг таъкидлаш лозимки, 1996 йилда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ҳамда ташкилотга аъзо бўлган давлатлар томонидан рақамли муҳитда

муаллиф ва ҳуқуқ эгаларининг асарлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида 1996 йил 20 декабрда “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси” ҳамда “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси” қабул қилинди<sup>4</sup>. Маълумот ўрнида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон 2019 йилнинг 16 февралда юқоридаги иккита халқаро шартномага қўшилган<sup>5</sup>. “БИМТнинг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси”нинг 11-моддасига кўра, ахдлашувчи томонлар мазкур шартнома ёки Берн конвенцияси бўйича ўз ҳуқуқларини амалга ошириш муносабати билан муаллифлар фойдаланадиган мавжуд техник воситаларни четлаб ўтишдан ва ўз ижодига рухсат бермаган ҳаракатларни чеклашга қаратилган тегишли ҳуқуқий ҳимоя ва самарали воситаларни таъминлайдилар<sup>6</sup>. Айнан ушбу мазмундаги норма турдош ҳуқуқ субъектлари бўлган ижрочилар ва фонограмма тайёрловчиларга нисбатан қўлланилиши бўйича “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси”нинг 18-моддасидан ўрин олган<sup>7</sup>.

Аҳамиятли жиҳати, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни 63-моддасида ижодий асарларни ҳимоя қилувчи техник воситалар ҳақида сўз юритилган. Хусусан, “асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишни назорат қилувчи, муаллиф, турдош ҳуқуқлар эгаси ёхуд асарларга ёки турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгаси томонидан рухсат этилмаган ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олувчи ёки уларни чекловчи ҳар қандай техник қурилмалар ёхуд уларнинг таркибий қисмлари муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техника воситалари деб эътироф этилади”<sup>8</sup>. Айнан ушбу нормани

1. <https://iq.hse.ru/more/media/zashita-prav-intellektualnoj-sobstvennosti>

2. [www.drm.info](http://www.drm.info)

3. Отчет “Экономические последствия от распространения контрафактной и пиратской продукции”, подготовленный исследовательской фирмой Frontier Economics по заказу Бизнес-инициативы по борьбе с пиратством и контрафактной продукцией (BASCAP) Международной торговой палаты (ICC) и Международной ассоциации по товарным знакам (INTA) [http://www.inta.org/Communications/Documents/2017\\_Frontier\\_Report.pdf](http://www.inta.org/Communications/Documents/2017_Frontier_Report.pdf)

4. <https://www.wipo.int/treaties/en/>

5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2019 й., 03/19/520/2626-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2019 й., 03/19/519/2625-сон

6. <https://docs.cntd.ru/document/901817956>

7. <https://wipo.int/treaties/en/text/295480>

8. Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 21.08.2021 й., 03/21/709/0808-сон)

9. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_2238/7ab3351a6763020eaca4d370cca514d2cdf30f69/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_2238/7ab3351a6763020eaca4d370cca514d2cdf30f69/)

Россия Федерациясининг муаллифлик ҳуқуқи-га доир асосий қонунининг 481-моддасида ҳам кўришимиз мумкин<sup>9</sup>. Шунини таъкидлаш керакки, техник воситалардан четлаб ўтишга ҳаракат қилишни чеклашга қаратилган қоидалар БИМТ-нинг юқоридаги “интернет шартномалари”ни имзолаган давлатлар миллий қонунчилигидан ўрин олган. АҚШ ушбу қоидани биринчи бўлиб ўз қонунчилигига киритган бўлиб, 1998 йилдаги муаллифлик ҳуқуқи қонунидан, 2001 йилда эса муаллифлик ҳуқуқи бўйича Европа иттифоқи директивасидан ўрин олган. АҚШда мазкур чекловни бузган шахслар фуқаролик ва жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Юқоридаги икки халқаро ҳужжатнинг “интернет шартнома” деб юритилишига асосий сабаб, айнан ушбу тармоқнинг кенг тараққий этиши ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб бориши билан боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ҳам XX асрнинг 90-йилларига келиб, муаллифлик ҳуқуқини нафақат бошқа телекоммуникация тармоқларида, балки интернетда ҳам муҳофаза қилиш зарурияти пайдо бўлди. Шу ўринда телекоммуникация тармоқлари сирасига кирадиган алоқа-ахборот технологияларига: компьютер тармоқлари; телефон тармоқлари; радио тармоқлар; телевизион тармоқларни санаб ўтишимиз мумкин.

Юқоридаги халқаро “интернет шартномалар”нинг қабул қилиниши билан муаллиф ва ҳуқуқ эгаларига муҳим бўлган ҳимоя воситалари бериш орқали уларнинг мутлақ ҳуқуқларининг мустаҳкамланишига эришилди. Ушбу қоидадан фойдаланган ҳолда муаллифлар ўзларининг асарларига нисбатан турли даражадаги ҳимоянинг техник усулларини қўллаш бошлашди. Интеллектуал мулкда, хусусан муаллифлик ҳуқуқида доимий иккита қарама-қарши фикр мавжуд бўлиб, улардан бири интеллектуал мулкда мутлақ ҳуқуқдан тўлақонли фойдаланиш тарафдори бўлса, иккинчи тоифа интеллектуал мулк жамият томонидан фойдаланиш учун очиқ бўлишлиги керак, деган фикрни илгари суради. Шунингдек, иккинчи тоифа вакилларининг фикрига кўра, ҳимоянинг техник воситалари тижорий нусха кўчириш учун кучсиз бўлиб, аксинча, илмий-тадқиқот ёки шахсий мақсадда фойдаланиш учун қаттиқ чекловларни қўйган. Ушбу фикр тарафдорлари кўриш имконияти чекланган шахслар учун бу чекловлар жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаришини, уларнинг илм олиши, маданият ва санъат ютуқларидан фойдаланишида муаммо-

лар келтириб чиқаришини таъкидлашади. Бироқ қайд этиш лозимки, БИМТ томонидан айни шу мақсадда 2013 йил 27 июнда “Кўзи ожиз, кўришда нуқсонли бўлган ва босма ахборотни идрок этишда бошқа жиҳатдан қобилияти чекланган шахсларнинг нашр этилган асарлардан фойдаланишини енгиллаштириш тўғрисидаги Марокаш шартномаси” қабул қилинган<sup>11</sup>.



Телекоммуникация тармоқларида нафақат муаллифлик ҳуқуқини таъминлаш, балки ушбу соҳани ривожлантириш, давлат хизматларини кўрсатишда ушбу тармоқлардан кенг фойдаланиш, ундаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш, замонавий телекоммуникация тармоқларини ижтимоий ҳаётга кенг тарғиб этиш борасида зарур бўлган амалий ишлар қилинмоқда. Масалан, ахборот соҳасида ягона давлат сиёсати рўёбга чиқарилишининг самарадорлигини ошириш, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назорат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ташкил этилди<sup>12</sup>.

Мазкур қарор билан Инспекциянинг асосий вазифалари қаторига илк маротаба фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича ваколатлар (ўрганиш, мониторинг қилиш, текшириш, хулосалар тайёрлаш) ҳамда интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқи объектлари ноқонуний тарқалишини (барчанинг

10. EU copyright Directive Arts 6 and 7

11. <https://www.wipo.int/treaties/en/ip/marrakesh/>

12. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.06.2021 й., 06/21/6252/0617-сон

этиборига етказилишини) бартараф этиш чораларини кўриш киритилди. Ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 сентябрдаги қарори билан юқоридаги инспекция фаолияти қайтадан ташкил этилди. Ўзкомназоратга кўшимча вазифа сифатида ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда хавфсиз маълумот алмашишни таъминлаш белгиланди. Шу ўринда хавфсизлик атамасини нафақат техник жиҳат нуқтаи назаридан, балки муаллифлик ҳуқуқи йўналиши жиҳатидан ҳам тушуниш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзкомназоратга ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ваколатини бериш лозим. Зеро, бугунги кунда интернет тармоғида интеллектуал мулк, хусусан муаллифлик ҳуқуқи объектларидан рухсатсиз тарзда фойдаланиш жуда ҳам кўп. Агарда илгари Интеллектуал мулк агентлиги ва Ўзкомназорат томонидан аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни тақрорлаш фаолияти ҳамда фонограммаларни тайёрлаш фаолияти юзасидан тегишли ваколатлари (лицензия, ўрганиш, мониторинг ўтказиш) мавжуд бўлган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан юқоридаги 2 та фаолият учун 2021 йил 1 январдан бошлаб лицензия бериш тартиби бекор қилинган. Бу эса ўз-ўзидан бугунги кунда муаллифлик ҳуқуқи йўналишида ҳуқуқбузарликларнинг ошишига олиб келиши мумкин. Масалан, 2019 йилда Россия Федерациясида суднинг қарори билан интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузганлик учун 878 та сайт фаолияти тўхтатилган<sup>13</sup>.

Ҳозирги кунда, айниқса Covid-19 пандемияси шароитида ахборот узатувчи тармоқлардан фойдаланиш доираси жуда ҳам кенгайиб бормоқда. Бу

йўналишда албатта хавфсизлик ва ҳимоя нуқтаи назаридан тегишли чора-тадбирларни кўриш талаб этилади. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш унинг муҳофаза қилиниши ва таъминланишининг энг муҳим омилларидан биридир. Амалиётга кўра, ҳар қандай ҳуқуқ ҳимоя қилиш механизми билан мустаҳкамланган бўлсагина, уни амалга ошириш мумкин<sup>14</sup>.

Телекоммуникация тармоқларида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш бўйича ишларни халқаро стандартлар асосида юритишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

муаллифлик ҳуқуқидаги шартномавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш;

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни жамоавий бошқариш институтини такомиллаштириш;

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг янги объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг янги тартибларини жорий этиш;

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш юзасидан чора-тадбирлар дастурини яратиш.

Юқоридаги таклифлар бўйича ишларнинг тўғри ва тизимли йўлга қўйилиши, ўйлаймизки, муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоясини таъминлашга, бу орқали эса ижодкорлар меҳнати учун тегишли ҳақларни тўланишига ҳамда мамлакатимизда маданият ва санъатнинг ривожланишига олиб келади. Шу билан бирга, телекоммуникация тармоғида муаллифлик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги тадқиқот ишлари ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш зарур аҳамият касб этади.



13. <http://www.eurasiancommission.org/ru/act/finpol/dobd/intelsobs/Documents/pdf>

14. А.Юлдашов. “Муаллифлик ҳуқуқини халқаро доирада муҳофаза қилишнинг муҳим жиҳатлари ва шартномавий-ҳуқуқий базани ривожлантириш”. Юридик фанлар ахборотномаси – Вестник юридических наук – Review of law sciences. Махсус сон. 2020 й. 231-6.

**Баҳром САИДОВ,**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Илмий кенгаши котиби,

юримдик фанлар доктори, доцент

## АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

**Аннотация.** Ўзбекистонда адвокатура фаолиятига оид муаммолар, адвокатларнинг ҳуқуқий мавқеини юксалтириш, фаолият юритиши учун мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, бу борада халқаро тажриба, мамлакатимиздаги ҳолат ҳамда қонунчиликдаги бўшлиқлар, адвокатурани ишончли ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлантириш, адвокатларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга тўсиқлик қилаётган, юридик ёрдам кўрсатилишига халал бераётган муаммоларни бартараф этиш, умумэтироф этилган халқаро стандартларни жорий этиш, адвокатларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, давлат органлари ва мансабдор шахслар билан ҳамкорликни кучайтириш, шунингдек жиноят процессининг барча босқичларида ҳимоячи фаолиятининг самарадорлигига эришишга оид таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Таянч сўзлар:** адвокат, адвокатура институти, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, ҳимоячи, жиноят иши, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳуқуқ ва эркинликлар, манфаат, кафолат, инсон ҳуқуқлари, хорижий тажриба, ваколат, мажбурият.

**Аннотация.** Путём анализа проблем законодательства по деятельности адвокатуры в Узбекистане, повышения правового статуса адвокатов, устранения имеющихся преград для должного осуществления деятельности, современного состояния института адвокатуры в нашей стране, имеющихся пробелов в законодательстве, выдвигаются предложения и рекомендации направленные на превращение адвокатуры в правоохранительный институт достойный уважения людей, устранение проблем, препятствующих полному осуществлению прав адвокатов и мешающих оказанию ими качественной юридической помощи, внедрение общепризнанных международных стандартов, расширение полномочий адвокатов, усиление их взаимодействия с государственными органами и должностными лицами, ответственными за производство по уголовному делу, а также достижение эффективности деятельности защитника на всех стадиях уголовного процесса.

**Ключевые слова:** адвокат, институт адвокатуры, дознаватель, следователь, прокурор, суд, защитник, уголовное дело, подозреваемый, обвиняемый, подсудимый, права и свободы, интересы, гарантия, права человека, международный опыт, полномочия, обязанность.

**Annotation.** The article deals with the problems related to the activity of advocacy in Uzbekistan. The author worked out proposals and recommendations directed to raising the legal status of lawyers, removing existing barriers to their proper functioning, analyzed international experience, situation in our country and gaps in the legislation, transforming the advocacy into a trusted human rights institution, eliminate all existing problems hindering to provide qualified legal assistance and full realization the rights of lawyers introduction of universally recognized international standards, empowerment of the rights of lawyers, strengthen their cooperation with government agencies and officials responsible for criminal proceedings, as well as achievement of fruitful effectiveness of the activity of advocate at all stages of criminal proceedings.

**Keywords:** advocate, advocacy institute, interviewer, investigator, prosecutor, court, lawyer, criminal case, suspect, accused, defendant, rights and freedoms, interest, guarantee, human rights, foreign experience, authority, obligation.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майда қабул қилинган “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳа ходимлари фаолиятини такомиллаштириш учун ўз вақтида қабул қилинганлиги билан бир қаторда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини таъминлаш борасида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фармонда адвокатура ҳанузгача одамлар ишончини қозонган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлана олмагани, адвокатларнинг ҳуқуқларини тў-

лиқ рўёбга чиқаришга тўсиқлик қилаётган, юридик ёрдам кўрсатилишига халал бераётган қатор омиллар мавжуд эканлиги кўрсатиб берилди.

Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатимизда адвокатларнинг мавқеи пастроқ бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орасида энг охириги ўринларда. Шу боис ҳам мазкур касбга нисбатан ёшларнинг, умуман ҳуқуқшунос кадрларнинг қизиқиши суств. Ушбу касб мустақилликкача бўлган даврда ҳам, мустақиллик йилларида ҳам юридик маълумот талаб этиладиган мутахассисликлар ўртасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўла олмади. Бунинг

оқибатида олий юридик таълим муассасалари битирувчиларининг аксарияти адвокатурага ишга боришни хоҳлашмайди (прокуратура, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралардан иш топмаганлар, иложсиз бориши мумкин).

Ривожланган демократик давлатларда эса бунинг акси кузатилади, АҚШ, Франция, Германия, Буюк Британия сингари давлатларда адвокатлик касби энг обрўли касб ҳисобланди. Шу боис, ривожланган демократик давлатлар тажрибасига таяниб янги Ўзбекистонда ҳам айблов, ҳимоя, ишни ҳал этиш каби функцияларни бажарувчи субъектлар ўртасида мувозанатга эришиш, бунинг учун соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган ислохотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Масалан, АҚШда бу муаммо суднинг мустақиллигини таъминлаш, нуфузини ошириш ҳисобига тўлиқ бартараф этилган. Зотан, ҳар қандай давлатда биринчи навбатда, суднинг мустақиллигини таъминлаш, жамиятда адвокатуранинг роли ва мавқеи ўз-ўзидан юксалишига хизмат қилади. Адвокатуранинг нуфузи юксалиши эса жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “...адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарур. Бу тизимнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш, адвокатлар ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Лекин ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам бор. Мисол учун, 33 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисига фақатгина 4 мингта адвокат хизмат кўрсатаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги адвокатларнинг 60 фоизи 50 ёшдан ошган шахслардир. Улар орасида 30 ёшга тўлмаган ёшлар 70 нафарга ҳам етмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?! Бундай ачинарли ҳолатга барҳам бериш учун аввало адвокатлар нуфузи ва мақомини ошириш, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлашимиз шарт...”<sup>1</sup>.

Қайд этиш жоизки, аҳоли сонидан келиб чиқиб ёш, билимли, етук малакага эга мутахассис кадрлар ҳисобидан адвокатлар сонини кўпайтириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда 8250 нафар аҳолига ўртача 1 нафар адвокат тўғри келади (фикримизча, мамлакатимизда 1000 нафар аҳолига камида 1 нафар адвокат бўлиши мақсадга мувофиқ). Бу кўрсаткич АҚШда

256, Италияда 260, Германияда 500, Озарбайжонда 667, Голландияда 900, Францияда 1 403, Қозғистонда 4 000 нафар фуқарога тўғри келади<sup>2</sup>. Таққослаш учун бир мисол, маълумки, мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш борасида сўнги тўрт йилда амалга оширилган ислохотларга кўра, журналистлар ва блогерлар сони сезиларли даражада кўпайди, уларнинг фаоллиги ошди. Бунинг натижасида, биринчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида фаолият юритаётган мансабдор шахслар аввало ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этишдан тийила бошлади, иккинчидан, қонунга зид идоравий ҳужжатлар қабул қилиш кескин камайганлиги аниқланди. Бугунги кунга келиб эса уларнинг халқ олдида чиқиши, гапириши, ўзини тутиши, одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этаётгани, албатта, ижобий натижадан дарак беради.

Жамиятда адвокатлар сонининг кўпайиши ва улар фаолиятининг такомиллашуви ҳам фақатгина ижобий самара беради. Бунинг учун давлат бюджетидан қўшимча маблағ талаб этилмайди, чунки адвокатура ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган институт ҳисобланади. Фикримизча, мамлакатимиз аҳолисининг сонидан келиб чиқиб ёш, билимли, малакали мутахассис кадрлар ҳисобидан адвокатлар сонини кўпайтириш лозим. Бу, биринчидан, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларни ножўя хатти-ҳаракатлардан, ноқонуний ва асоссиз қарорлар қабул қилишдан тийиб туришга; иккинчидан, жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли таъминлашга; учинчидан, адвокатлар ўртасида соғлом рақобат юзага келишига; тўртинчидан, адвокатлар томонидан кўрсатилаётган юридик хизматлар нархининг муқобиллашуви ва бошқа шу каби ижобий ўзгаришларга хизмат қилади.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар адвокатура фаолиятига оид қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Бу ислохотнинг зарурияти ва долзарблиги адвокатурани тартибга солувчи ҳар икки (“Адвокатура тўғрисида” ва “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги) қонунни амалиётда қўллаш жараёнида юзага келган ва келаётган муаммолар, баъзи нормаларнинг декларатив характерга эга эканлиги, уларни ижро этиш механизмларининг яратилмаганлиги, қонун ҳужжатларидаги айрим ноаниқлик ва номувофиқлик ҳамда тизим ривож-

1. Мирзиёев Ш. М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Халқ сўзи. – 2019. – 9 дек.

2. <http://uza.uz/oz/society/nega-zbekistonda-advokatlar-soni-kam-mutasaddilar-izo-berdi-12-11-2019>.

ланишига тўсиқ бўлаётган салбий ҳолатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни умумлаштирган ҳолда қонун ҳужжатларига комплекс ўзгартишлар киритиш, адвокатура соҳасидаги халқаро стандартларга мослаштириш давр талаби ҳисобланади. Фикримизча, мазкур қонунларни бирлаштириб, ягона “Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Зотан, демократик тараққиёт йўлини танлаган давлат адвокатурани шакллантириши, ҳимоя қилиши, такомиллаштириши, қўллаб-қувватлаши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида “Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади” дейилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси(ЖПК)нинг 51-моддасида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган вазиятлар белгиланган бўлиб, ҳимоячи Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан таъминланади ва унинг тўлови процесс иштирокчиларининг зиммасига юкланиши мумкин эмас.

Ҳап шундаки, ЖПКнинг 51-моддасида белгиланган жиноят ишлари тоифасига кирмайдиган ишлар бўйича ҳимоячини жалб этиш ва унинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимида муаммолар кузатилмоқда. ЖПК 50-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд (судья) гумон қилинувчини, айбланувчини юридик ёрдам учун ҳақ тўлашдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир<sup>3</sup>. Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилади. Мамлакатимизда камбағаллик даражаси тахминан 10-12 фоизни ташкил этади, ҳап, ана шу тоифадаги шахслар жиноят процесси иштирокчисига, айниқса, гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб этилганида уларга нисбатан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида бормоқда. Миллий қонунчилигимизда бугунги кунда, ижтимоий ночор аҳволдаги гумон қилинуви ёки айбланувчига давлат томонидан бепул юридик ёрдам кўрсатишни белгиловчи

норма мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибга кўра, оиласида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ялпи ойлик даромад юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод этиш тўғрисида қарор (ажрим) қабул қилинган кундаги меҳнатга ҳақ тўлашдаги энг кам миқдорнинг 52,7 фоизидан ортиқ бўлмаган шахслар адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод этилади ва харажатлар давлат ҳисобига ўтказилади<sup>4</sup>. Масалан, 2009-2018 йилларда жиноят ишлари бўйича давлат ҳисобидан ҳимоячи билан таъминлаш учун давлат бюджетидан 75 миллиард сўм ажратилган<sup>5</sup>. Бундан ташқари, давлат томонидан тақдим этилган адвокатларни танлашнинг ошқора тартиби йўқлиги боис айрим терговчилар ўзига таниш адвокатларни чақириб, айбланувчига таъсир ўтказиш ҳоллари учраб туради. Масалан, Тошкент шаҳрида давлат томонидан адвокатларга ўтган йили 7 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, ушбу маблағнинг тенг ярми 20 та адвокатлик фирмасига берилган (жами 746 та шундай фирма мавжуд)<sup>6</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р.Давлетов бу борада, яъни давлат томонидан тайинланадиган адвокатлар билан боғлиқ муаммолар ҳақида қуйидагича фикр билдирди: “Давлат томонидан тайинланадиган адвокатлар билан муаммолар борлиги рост. Чунки кўп ҳолатларда ўша соҳанинг эгалари ўзининг “дежурный” адвокатини топиб олишган, иш чиққан пайтда ўшани чақириб олишаверади. Яъни кимгадир давлат томонидан адвокат тайинлаш керак бўлса, белгиланган тартибда “дежурный” адвокатни жалб қилаверади ва бунинг натижасида бир хил адвокатлар жуда кўп ишларда “айланаверади”. Битта механизм таклиф қилаяпмиз. Автоматик равишда адвокатларни танлайдиган, инсон омили аралашмайдиган тизим қилмоқчимиз. Адвокатлар рўйхати базага киритилади, кимга қайси адвокат тушишини тизимнинг ўзи танлаб беради ва ўша адвокат ўша одамга бориб хизмат кўрсатишга мажбур бўлади. Тизим шундай қурилганки, Ўзбекистондаги энг кучли адвокатлар ҳам кимгадир бепул хизмат кўрсатишига тўғри келади. Америкада ҳам шундай. Масалан, бепул хизмат кўрсатиш бўйича адвокатларга

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори. Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида. 2003.19.12, 17-сон, 12 ва 31-бандлар. – <https://lex.uz/docs/>.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008.20.06, 137-сон. – <https://lex.uz/docs/>.

5. <http://advokatnews.uz/xabar/1490.html>

юкламалар берилган. Шунақа ҳолатлар бўладики, ҳуқуқий ҳимояга муҳтож камбағал одамларга кучли адвокатлар тушиб қолади. Адвокат ўзининг обрўси учун нима қилиб бўлмасин шу одамни оқлашга, ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Биз ҳам худди шу тартибга ўтамиз<sup>6</sup>”.

Конституциянинг 116-моддаси ва хорижий мамлакатлар (Россия, Украина, Молдова, Озарбайжон) тажрибасидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш муҳим аҳамият касб этишини, шунингдек мамлакатимизда ижтимоий қийин аҳволда яшаётган оилалар ҳам мавжудлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Бепул ҳуқуқий ёрдам тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Мазкур таклиф ижтимоий тармоқда ўтказилган электрон сўровномада иштирок этган респондентларнинг 72 фоизи томонидан қўллаб-қувватланди. Фикримизча, бепул юридик ёрдам давлат томонидан кафолатланиши, ёрдамга муҳтож жисмоний шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган тартиб-таомиллардан иборат бўлиши лозим.

Ёрдамга муҳтож шахсларга – ёши, жинси, касаллиги, ногиронлиги, ижтимоий ёки шахсий мақоми сабабли алоҳида ҳимояга муҳтож шахслар, хусусан болалар, камбағаллар, қарамоғида вояга етмаган болалари бор ёлғиз оналар, боқувчисини йўқотганлар, одам савдоси ва жинсий зўравонликдан жабрланганлар, ногиронлиги бор, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ўтаётган, яқин қариндошлари бўлмаган шахслар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Қонунийлик; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги; бепул юридик ёрдамдан эркин фойдаланиш; холислик; камситишга йўл қўймаслик; касб этикаси қоидаларига риоя этиш кабилар бепул юридик ёрдамнинг асосий принциплари ҳисобланиши керак. ЖПК 51-моддаси (ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар) биринчи қисмида қайд этилган айрим бандларни қуйидагича баён этиш ёки қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ:

4-бандни: жазо чораси сифатида ўн йилдан ортиқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича;

7-бандни: жабрланувчининг ёки фуқаровий

даъвогарнинг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда;

10-бандни: гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган ишларда;

11-бандни: кам таъминланган (камбағал) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумининг илтимосига кўра;

12-бандни: гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлиб, суриштирув, тергов органи ёки судга келишнинг имкони бўлмаганда.

Бундан ташқари, ҳимоячининг амалдаги ЖПК-да белгиланган ҳуқуқлари унинг ҳимояси остидаги шахсга лозим даражада ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, исбот қилиш иштирокчилари (суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд) билан процессуал муносабатларга киришиш учун етарли эмас. Шу боис, ҳимоячининг ЖПК 53-моддасида белгиланган ҳуқуқларига қуйидаги қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

шахсни ушлаб туриш ҳақидаги баённома, ишда гумон қилинувчи сифатида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор, айблов эълон қилинганлиги ҳақидаги қарор, манфаатларини ҳимоя қилаётган шахс иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаси, гумон қилинувчига, айбланувчига тақдим этилган ёки тақдим этилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлар билан танишиш;

давлат сири ёки қонун билан ҳимояланадиган бошқа сирлардан ташқари маълумотлардан нусха олиш;

ўз ҳимоясидаги шахсга нисбатан процессуал мажбурлов чорасини қўллашга оид масала суд мажлисида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

ўзи тўплаган ва тақдим этган далилларни текшириш билан боғлиқ барча тергов ҳаракатларида иштирок этиш;

ўзи иштирок этган тергов ҳаракатлари натижаси, уни қайд этиш ва расмийлаштириш бўйича эътирозлар билдириш;

илтимосномалар ва шикоятлар бериш ва уларни кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш;

кўрилатган иш бўйича бошқа шахслар томонидан берилган шикоятлар (протестлар) ҳақида билиш ва уларга нисбатан эътирозларини билдириш;

судгача иш юритиш якунланганидан сўнг ҳимоянинг ҳулосасини тақдим этиш; жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари

6. Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши кураш муҳокама қилинди. – <http://uza.uz/oz/politics/odil1-sudlovni-taminlash-va-korruptsiyaga-arshi-kurash-mu-oka-30-06-2020>

7. <https://kun.uz/news/2020/02/04/davletov-eng-kuchli-advokatlar-ham-kimgadir-bepul-xizmat-korsatishga-majbur-boladi>.

(ҳаракатсизлиги) юзасидан судга шикоят бериш; суд мажлисида жиноят процессининг бошқа иштирокчиларига илтимоснома ва таклифлар бериш;

суд мажлисининг баённомаси ва аудиоёзувлар билан танишиш ҳамда уларга нисбатан эътирозларини билдириш;

суд томонидан рухсат берилган бошқа масалалар бўйича ўз фикрини билдириш;

тергов ва суд жараёнини қайд қилиш учун техник воситалардан фойдаланиш;

айблов тарафи ёки суд раисининг ҳаракатларига нисбатан эътирозлар билдириш;

процессуал битимлар тузиш бўйича ишларда иштирок этиш;

ҳимоя томонининг шикоят ва илтимосномалари суд терговда кўриб чиқилишида иштирок этиш.

Юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазалар билан бирга, жиноят ишини тергов қилишда ҳимоячи фаолиятининг самарадорлигига эришиш учун қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилмоқда: биринчидан, ҳимоячининг ўз ҳимояси остидаги шахс манфаатлари йўлида жиноят ишини тергов қилаётган суриштирувчи ёки терговчи билан ҳамкорлигини такомиллаштириш, ҳамкорликда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланиши, шунингдек, жиноятга алоқаси йўқ шахслар жавобгарликдан озод этилишига ҳамда жиноятни содир этиб, терговдан яшириниб юрган шахслар айбига иқрор бўлишига хизмат қилади. Бунда адвокатнинг ҳимоя позицияси ва тергов-

чининг жиноятни очиш йўлида амалга ошираётган ҳаракатлари ўзаро мутаносиблашади. Бундай ҳамкорлик томонларнинг қадр-қиммати ва касбий шаънини ўзаро ҳурмат қилиш ҳамда одоб-ахлоқ қоидалари асосида амалга оширилиши; иккинчидан, терговчи ушлаб турилган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек уларнинг илтимоси билан бошқа шахслар ҳам ҳимоячи таклиф этишларига имкон яратиш; учинчидан, адвокат сўрови бўйича ахборотни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд била туриб ёлгон ёки нотўғри ахборот тақдим этганлик учун жавобгарликни янада кучайтириш; тўртинчидан, (тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун чақирилган шахслар ва адвокатнинг соатлаб кутиб ўтиришига чек қўйиш мақсадида) ушлаб келинган ёки сўроқ ва бошқа тергов ҳаракатини ўтказиш учун чақирилган шахс, шунингдек ишда иштирок этиш учун таклиф этилган адвокат жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органига етиб келган аниқ вақтни электрон қайд этиш тартибини жорий этиш; бешинчидан, жиноят ишини юритишга масъул бўлган барча давлат органларида адвокатлар учун ташкил этилган хизмат хоналарини зарур техник воситалар, мебель жиҳозлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик адабиётлар билан таъминлаш, шунингдек интернет тизимига улаш.

Юқорида қайд этилган таклиф ва тавсияларнинг қонунчиликка киритилиши ва суд-тергов амалиётига татбиқ этилиши Ўзбекистонда адвокатура институтини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.



**Айбек ГАНИБАЕВ,**

Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари  
институтининг бош илмий ходими

## НОРМА ИЖОДҚОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада норма ижодкорлиги давлат бошқарувининг муҳим функцияларидан бири сифатида ижтимоий муносабатларга бевосита таъсир қилувчи ҳамда ижтимоий алоқаларни тартибга солишчи ва барқарорлигини таъминловчи самарали восита эканлиги кўрсатилмоқда. Шунингдек, норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу борда қонунчилик ташаббускори субъектлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг фаолияти ҳам ёритилган.

**Таянч сўзлар:** норма ижодкорлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, давлат ҳокимияти, қонун устуворлиги, демократик ҳуқуқий давлат.

**Аннотация.** В данной статье указывается, что нормотворчество как важная функция государственного управления является средством воздействия на общественные отношения, регулирующее и обеспечивающее стабильность общественных связей. Также, в концепции совершенствования нормотворческой деятельности важное значение имеют вопросы систематизации нормативно-правовой базы, совершенствования мониторинга исполнения нормативно-правовых актов в котором наряду с субъектами законодательной инициативы раскрывается деятельность Института проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** нормотворчество, норматив-правовой акт, государственная власть, верховенство закона, демократическое правовое государство.

**Annotation.** This article focuses on the rule-making as one of the important functions of public administration, an effective tool that directly affects social relations and regulates and stabilizes social relations, as well as the creation of law-making and regulatory framework for the development of Uzbekistan as a democratic state. In the concept of improving the creative activity, special attention was paid to improving the monitoring of the implementation of normative legal acts.

**Keywords:** norm-setting, normative-legal document, state power, rule of law, democratic rule of law.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий принципларининг бири ҳисобланган Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг норма ижодкорлиги фаолияти алоҳида ўрин эгаллайди. Норма ижодкорлиги давлат бошқарувининг муҳим функцияларидан бири бўлиб, ижтимоий муносабатларга бевосита таъсир қилувчи ҳамда ижтимоий алоқаларни тартибга солишчи ва барқарорлигини таъминлашнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат сифатида ривожланиши йўлида қонун ижодкорлиги ва норматив-ҳуқуқий базани яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Қонун ижодкорлиги жараёни диққат марказида доимо инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устунлиги принципи бўлиб келмоқда. Бинобарин, мустақиллик йилларда амалга оширилган кенг кўламли ҳуқуқий ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш,

ҳавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Барчага маълум, охириги йилларда Конституция-мизга таянган ҳолда миллий қонунчилик тизимида катта ўзгаришлар рўй берди.

Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият курилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун мамлакатимизда шаклланган норма ижодкорлиги тизими, яъни барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишдан бошлаб то уларни қабул қилишгача бўлган босқичлар, ҳар хил экспертизалар ва амалдаги қо-

нунчилик ҳужжатларининг мониторингини амалга ошириш жараёнлари танқидий таҳлил қилинди.

Бундан ташқари чет эл давлатларининг норма ижодкорлиги фаолиятининг энг яхши намуналари ўрганилиб, миллий қонунчиликни уларга мослаштириш ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнига етук мутахассислар, шу жумладан хорижий экспертларни, лойиҳани кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш ва уларнинг фикрларини таҳлил қилиш ҳамда инobatга олиш каби муҳим масалалар жамланган ҳолда такомиллаштирилди. Қолаверса, норма ижодкорлиги фаолиятига инновацион ёндашиш – илғор замонавий технологияларнинг жорий этилиши, “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш ушбу норма ижодкорлиги тизимини тубдан ўзгаришига олиб келди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги фармони билан Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг қабул қилиниши мамлакатимизда тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллаштиришга хизмат қилиб келмоқда. Ўтган йиллар давомида норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси доирасида қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, норма ижодкорлигини олиб боровчи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ушбу соҳадаги фаолиятида ўзгаришлар рўй берди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси регламентига қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришга оид ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти қайта қабул қилиниб, унда Вазирлар Маҳкамасининг норма ижодкорлиги фаолиятига доир нормалари такомиллаштирилди;

адлия органлари “Одилона қонунларни қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир” деган концептуал ғояни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ягона давлат ҳуқуқий сиёсати амалга оширилишини таъминлайдиган профессионал хизматга айлантирилди;

тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмлари жорий этилди;

аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи (сайлов тизими, архитектура ва қурилиш, таълим, инвестициялар, тадбиркорлик фаолияти ва бошқалар) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ишлари натижасида у ёки бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи олий юридик кучга эга ҳужжат – яхлит ва янги қонунлар қабул қилинди. Ўз ичига 5та қонун ҳужжатини ва кўплаб қонун ости норматив ҳужжатларни қамраб олган Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг қабул қилиниши бунинг яққол мисолидир. Алоҳида эътибор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамаси такомиллаштирилишига қаратилди.

Бу борада, Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш жараёнида, биринчи навбатда, ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини, жумладан ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини сифатли ташкил этиш, изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг яхлит тизимини жорий этишда 2018 йил 1 майдан бошлаб барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши белгилаб берилди. Эндиликда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини [regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz) веб-сайтида ҳамда ўзларининг расмий веб-сайтларида жамоатчилик муҳокамасига тақдим этишлари шарт. Масалан, 2019 йил 29 августда қабул қилинган Бюджет кодексига кўра, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари ҳамда уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин, уларнинг жамоатчилик муҳокамаси таъ-

минланиши белгиланди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими жорий этилди. Унга кўра, Ягона электрон тизимда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини электрон кўринишда келишиш (виза қўйиш) “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ сертификати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази томонидан белгиланган тартибда бериладиган электрон рақамли имзо билан амалга оширилади. Қолаверса, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ишлаб чиқилган ва келишилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳужжатлари лойиҳалари келишиш (виза қўйиш) ҳамда кейинчалик қабул қилиш учун Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига фақат Ягона электрон тизим орқали электрон кўринишда киритилиши таъминланмоқда.

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси мониторинги норма ижодкорлиги фаолиятининг муҳим босқичи бўлиб, ушбу жараёнда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг сифати ва самарасининг даражаси аниқланади. Бунда қонун ҳужжатларида коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган “оқ доғлар” ва “ҳуқуқий бўшлиқлар” аниқланиб, ушбу камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 53-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назорати давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Бу борада адлия органлари ва муассасаларининг асосий йўналишлари сифатида давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш, танқидий таҳлил асосида изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш

бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди.



Норма ижодкорлиги фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти алоҳида ўринга эга. Институт Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тайёрланадиган ҳамда кўриб чиқиладиган қонун лойиҳалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш, шунингдек қонунчилик муаммолари, қабул қилинаётган қонунлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлиги масалалари юзасидан жамоатчилик фикрини ва ташаббусларини “Mening fikrim” веб-портали орқали ўрганиш каби ишларни амалга оширмоқда. Қолаверса, Институт томонидан қонунчилик муаммоларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, миллий қонунчиликнинг халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқлигини ўрганиш, уларни қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда қонун лойиҳасида унинг нормаларини амалга оширишнинг процессуал механизмларини, шунингдек, қонун лойиҳасини такрорлайдиган ёки унга зид бўлган нормаларни бир вақтда бекор қилишни назарда тутадиган, унинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, норма ижодкорлиги динамик тусга эга тинимсиз такомиллаштиришни талаб этувчи фаолият ҳисобланади. Норма ижодкорлиги фаолияти давлат ва жамиятимизнинг барқарор ривожланиши учун инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, конституциявий тузум, ижтимоий адолатли, давлат суверенитети ҳамда миллий манфаатларни таъминлаш каби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган самарали ҳуқуқий сиёсатни амалга оширишга хизмат қилди.

**Дмитрий РАХМАНОВ,**

*начальник отдела Института проблем законодательства  
и парламентских исследований при Олий Мажлисе*

## НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН: 30 ЛЕТ НЕЗАВИСИМОСТИ



2021 год останется в памяти каждого узбекистанца ярким событием – мы отметили 30-летие Независимости нашей страны. Народ Узбекистана имеет древнюю историю, но подлинно независимым он стал в день подписания Декларации Независимости 31 августа 1991 года.

Многое произошло за эти годы. Принятие Конституции, становление национального законодательства, противостояние внутренним и внешним вызовам и угрозам, становление и формирование собственного пути развития.

У большинства наших граждан с годами независимости связаны многие личные достижения.

Что такое Независимость – это возможность быть независимыми от других стран и самим самостоятельно решать свои проблемы и вопросы, мы получили возможность самостоятельно и независимо ни от кого выбирать свой путь развития, строить гармонично развитое общество и процветающее государство.

Независимость – это возможность своего самоопределения в вопросах внутренней и внешней политики, укрепления государственности на принципах разделения властей и верховенства закона, справедливости, равенства и демократии.

Независимость – это способность самостоятельно делать выбор той или иной стратегии действий, исходя из национальных приоритетов, интересов человека, общества и государства.

Особенно хочется выделить те колоссальные преобразования, которые произошли в ближайшие пять лет в жизни каждого из нас.

Открытый диалог с народом в преодолении проблем и в определении дальнейшего курса государственного развития, всемерное утверждение принципа “не народ для государства, а государство для народа” стал самым приоритетным, свободная конвертация валюты, изменение института прописки, устранение хлопковой монополии и устранение принудительного труда при сборе хлопка, свободные СМИ и свобода слова, возможность свободного перемещения за пределы страны, коренное реформирование системы образования, создание благоприятных условий для предпринимательства и всесторонняя поддержка бизнеса.

Усиление роли Парламента, укрепление независимости судебной власти, общественное обсуждение проектов законов, преобразование законодательства, создание законов прямого действия, укрепление вооруженных сил, реформирование правоохранительных органов и многое, многое другое.

По инициативе Президента Ш.Мирзиёева в рамках повышения роли Парламента в управлении государством в целях повышения научного и информационно-аналитического обеспечения деятельности палат Олий Мажлиса был создан наш Институт проблем законодательства и пар-

ламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан.

Глава государства начал коренное преобразование всего государственного аппарата, принципов и методов работы в сфере государственного управления.

В качестве ориентиров государственного развития на вооружение берутся общепризнанные стандарты международного права, провозглашающие приоритет уважения прав человека, а также передовая, положительно зарекомендовавшая себя практика ведущих зарубежных государств.

Глава государства, инициатор социально-политических преобразований лидер реформирования страны, связывает понимание идеи Нового Узбекистана с благородными устремлениями джадидов, которые сохранились и до сих пор живут в крови и исторической памяти нашего народа. Идея обновления, национального и духовного возрождения, связана с перешедшими из глубины веков, передававшимися из поколения в поколение благородных традиций и обычаев, глубоко укоренившихся в сердцах нашего народа и становится общенациональным движением, она основана на мечтах и чаяниях наших великих предков.

История человечества показывает, что процессы духовного пробуждения в жизни любого народа приводят к осознанию национальной идентичности и поднимают экономическое и культурное развитие страны на новый уровень.

Поэтому слова “Новый Узбекистан” вдохновляют наш народ на великие цели. Сегодня Узбекистан становится страной демократических перемен и больших возможностей.

Президент отмечает, “Новый Узбекистан – это государство, главной целью которого является обеспечение свободной, благоустроенной и благополучной жизни нашего многонационального народа. Это государство, развивающееся в строгом соответствии с общепризнанными нормами в области демократии, прав и свобод человека, опирающееся на принципы дружбы и сотрудничества с международным сообществом”<sup>1</sup>.

Мы чувствуем, что политический, правовой, социально-экономический имидж нашего общества стремительно меняется, и в нашей жизни формируются новые отношения, перед нами открываются новые возможности и ценности.

Отвечая на вопрос о воплощении в жизнь

1. Интервью Президент Республице Узбекистан Ш.Мирзиёева газета “Янги Узбекистон” <http://prezident.uz/ru/lists/view/4547>

2. Там же.

принципа: “Не народ служит государственным органам, а государственные органы должны служить народу”, Президент отметил: “Процессы открытости и прозрачности деятельности государственных органов расширяются. Сенаторы и депутаты, министры и хокимы, должностные лица всех уровней встречаются с гражданами и непосредственно занимаются их проблемами – не на бумаге, а на деле. То есть органы государственной власти открыты для народа и ведут с ним активный диалог.

Реформы оказывают положительное воздействие на жизнь всех слоев населения: предприниматели получают свободу и новые возможности для развития своего бизнеса, дехканские и фермерские хозяйства, кластеры становятся хозяевами выращенного урожая”<sup>2</sup>.

Отвечая на вопрос редактора газеты “Янги Узбекистон” о самых приоритетных задачах на нынешнем этапе развития страны, Глава государства Шавкат Миромонович Мирзиёев отметил шесть основных приоритетных задач.

“Первая приоритетная задача: социальная политика была, есть и будет одним из важнейших приоритетов государственной политики в Узбекистане.

Сегодня наиболее важными направлениями нашей экономической стратегии являются повышение благосостояния, уровня жизни людей, создание для этого рабочих мест, источников дохода, сокращение бедности, развитие городов и сел.

При реализации системных мер, направленных на прямую адресную материальную поддержку малообеспеченных граждан, основной упор делается не на дотацию уязвимых слоев населения, а на создание для них необходимых условий, рабочих мест и возможностей получения дохода.

Вторая приоритетная задача: в сфере экономического развития важную роль играют определение точек роста и особое внимание к ним, повышение конкурентоспособности экономики Нового Узбекистана.

В процессе приватизации, которая имеет особое значение в модернизации и диверсификации нашей экономики, мы делаем акцент не столько на продаже государственных предприятий, сколько на применении совершенно новых подходов, которые служат повышению их конкурентоспособности и укреплению национальной

экономики в целом. Чрезвычайно важно создать гарантии, обеспечивающие прозрачность и эффективность реализации государственных активов, участие широкой общественности в этом процессе.

Третья приоритетная задача: в условиях пандемии и вызванного ею глобального экономического кризиса мы не должны допустить, чтобы предприниматели остались один на один со своими проблемами. В связи с этим поддержка бизнеса, защита предпринимательства и частной собственности остаются приоритетом всех экономических реформ.

Все мы должны глубоко осознать: поддержка предпринимательства – это наиболее эффективный способ обеспечения благосостояния населения, что является конечной целью построения Нового Узбекистана.

Четвертая приоритетная задача: мы начали коренные изменения в сельском хозяйстве, которые по времени, к сожалению, совпали с пандемией. Она убедительно показала, что обеспечение продовольственной безопасности, развитие аграрного сектора в соответствии с современными требованиями становятся самыми актуальными задачами для всего человечества, в том числе и для нас.

Наша страна обладает огромным потенциалом, богатым опытом и древними традициями в области сельского хозяйства. Однако долгое время в отрасли не внедрялись рыночные подходы и механизмы материального стимулирования, в ее развитие не привлекалось достаточно средств и инноваций. В результате снизилось плодородие почвы.

Мы должны наращивать свой интеллектуальный потенциал, знания и опыт, превратить именно эти факторы в источники экономического роста и ресурс развития.

Пятая приоритетная задача: в период пандемии важнейшим остается охрана здоровья и жизни населения. Повышение медицинской культуры, широкое утверждение принципов здорового образа жизни среди населения – актуальная задача не только для сферы здравоохранения, но и общества в целом. Каждый прежде всего сам должен думать и заботиться о своем здоровье. Это особенно важно сегодня, когда во всем мире, в том числе в нашей стране, продолжается пандемия коронавируса.

Шестая приоритетная задача: в новых условиях мы уделяем особое внимание духовно-просветительской работе. Такой подход – прочная основа нашего настоящего и будущего развития. В этом смысле строительство Нового Узбекистана является продолжением независимого национального развития на новом этапе, с еще более глубоким изучением нашей древней и новейшей истории, уникального культурного наследия.

